



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

СУД ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қонун ва қонунчилик устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг ғоят муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил ислохотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган қонунлар, ҳусусан, «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ҳокимият тармоқларининг бўлиниши конституциявий принциплари амалга ошириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни ўтмишдаги қатъон ва жазолаш қуролидан қонун ҳимоясида турадиган чинакам мустақил институтга айлантириш борасида миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар олиб борилмоқда.

Суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий демократик тамойилларга асосланган тизими яратилди, бунда асосан жамоатчилик асосида фаолият юритадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комис-

сияси муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга, ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси ва суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш бўйича ўтган давр давомидаги ишларнинг танқидий таҳлили шундан далolat берадики, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилишини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтирмасдан туриб мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий янгиллаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Айни шу боисдан 2010 йилнинг 12 ноябрида қабул қилинган ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси-

да зикр этилган муаммоларни ҳал этишга, шу жумладан, суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақomini муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал қарорларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб:

умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва ҳўжалик судлари судьяларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари 1-4-иловаларга мувофиқ;

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва ҳўжалик судлари судьялари ҳамда мазкур суд идораларининг мансаб даражасига эга бўлган ходимларининг алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдори 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судларининг судьялари хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинadиган солиқ тўловидан озод қилинсин.

Давоми 2-бетда ➤



Тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг ойдин йўли

Бизнинг шарҳ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳалқимизга хос азалий хусусиятлардан бири. Ҳар ишни бамаслаҳат бошлаш, пишиқ-пuxта бажариш, эл-юртга фойдаси тегадиган савобли ҳамда ибратли ишлар билан беминнат шуғулланиш олис аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган. Бу меросни асраб-авайлаш ва ривожлантириш ҳар биримизнинг маънавий бурчимиз ҳисобланади.

Инсон ҳаёти ҳамиша ҳам бир маромда кечмайди. Қутилмаганда муаммоларга дуч келиб қолиш мумкин. Бундай пайтда тадбиркорлик билан иш тутиш,

ишбилармонлик қилиш жуда кўл келади. «Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади», деган гап бежиз айтилмаган. Ишбилармонлар ҳар муаммонинг қаловини топадиган кишилардир.

Соҳибқирон Амир Темур даврида тадбиркорликка алоҳида эътибор берилгани тарихдан яхши маълум. Буюк салтанатни барпо этиш, ўз маҳорати билан дунёни ҳамон хайратга солиб турган улўвор биноларни қуришнинг ўзи чинакам тадбиркорлик ҳисобланади.

Давоми 5-бетда ➤

Депутат минбари

Бугун дунёда глобаллашув жараёнлари шиддат билан ривожланмоқда. Бундай шароитда ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Замонавий компьютер техникаси, интернет, мобил алоқа воситалари вақтни тежаши, ихчам, қулай ва тезкорлиги билан кундалик турмуш тарзимизга тобора чуқур сингиб бораётир. Ҳусусан, ахборотларни бир зумда тарқатиш, қабул қилиш ва иқтисодий сарф-харажатларни камайтиришда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳим ўрин тутмоқда.

Ахборот глобаллашуви даврида

педагог-ўқитувчиларнинг масъулиятини янада кучайтириш лозим

Мамлакатимизда ҳам мазкур соҳани замон талаблари асосида изчил ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва улардан янада самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, таълим жараёнига кенг татбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, бу «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунда

белгиланган асосий вазифалардан биридир. Зеро, замонавий ахборот технологияларини самарали қўллаш ўқувчиларга билим бериш сифатини ошириш ва унинг мазмун-моҳиятини такомиллаштириш, таълимни замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, умумтаълим фанлари ҳамда касб-хунар йўналишлари бўйича ахборотни бойитиш ва янгиллашда муҳим аҳамиятга эга.

Давоми 4-бетда ➤

Рангларда Ватан мадҳи



Мустақиллик менинг тақдиримда

Истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган сая-ҳаракатлар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони фикримизнинг ёрқин мисолидир.

Давоми 2-бетда ➤



Электоратимиз манфаатларига хизмат қилади

Муносабат

Қадимдан маънавият-маърифат маркази сифатида эътироф этилган юртимиз ўзининг Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Ал Фарғоний каби кўплаб илм-фан даҳолари билан дунёга машҳур. Аммо мустабид тузум мамлакатимизда илмий ходимлар танқислигини келтириб чиқарганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида мамлакатимизда фаолият кўрсатган фан докторлари сонига назар ташлайдиган бўлсак, Фанлар академияси муассасаларида атиги 7,3 фоизни, олий ўқув юртларида эса 2,6 фоизни ташкил этган. Очигини айтганда, фан доктори илмий уновнига ниҳоятда катта қийинчиликлар билан эришилган.

Илм-фан соҳасини ислох қилиш масаласи Давлатимиз раҳбари томонидан Мустақилликка эришишдан аввалроқ, 1989 йил 28 ноябрь кuni Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувдан бошланганлигини яхши биламиз. Юртбошимизнинг «Илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик» номли маърузаси мамлакатнинг иқтисодий кудратини оширишда, ижтимоий масалаларнинг энг қулай ечимини топишда илм-фаннинг аҳамияти хусусида бўлиб, унда фан докторлари камчилигига оид мавжуд муаммолар

муҳокама қилиниб, тегишли вазифалар ҳам белгилаб берилган эди.

Шу нуктага назардан Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим тизимининг барча турлари янгиланганлиги, «Ўзбек модели»га асосланган ўзбек таълимининг ўзига хос ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа умумдавлат дастурлари муваффақиятли амалга оширилиши натижасида юқори талабларга жавоб берувчи узлуксиз таъ-

лимнинг яхлит тизими яратилди. Умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими 9+3 шаклида мутлоқ янгиланди. Олий таълимнинг замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган икки босқичли тизими — бакалаврият ва магистратура институтлари жорий этилди. Натижада, мамлакатимизда ташкил этилган таълим-тарбия ишларининг «Ўзбек модели» бугунги кунда халқаро ҳамжамият томонидан юксак даражада эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ илмий салоҳиятни юксалтириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан янгиллаш, илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг амалдаги икки босқичли узоқ давом этадиган, аммо амалиётга нафи кам бўлган эскича тизимини иқтисодий ривожланган демократик мамлакатлар сингари олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг замонавий, халқаро тан олинган талабларига мослаштириш йўлидаги навбатдаги ислох бўлди.

Давоми 4-бетда ➤

Партия ҳаёти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

СУД ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давом. Боши 1-бетда

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари беришни, шунингдек, тураржойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб боришни назарда тутадиган тартибни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди билан келишилган ҳолда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқласин;

судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Адлия вазирлиги

ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юкласини, туманларо судларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларга нисбатан қанчалик олисда жойлашганини ўрганиб чиқсин ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин. Бунда судьялик лавозимларида биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малякасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судида мажбу-

рий тайёргарлик ва стажировка ўташлари назарда тутилсин.

5. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда Судлар ва Адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда юридик таълими янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш си-

фатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини кўриб чиқиш учун киритсин;

бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазифасини бажарувчиси Б.А.Коканбаев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2012 йил 2 август

И.КАРИМОВ

Қўш хабар

Янги мажмуа — аҳоли хизматида

Конимех туманидаги Учтепа овулида замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, чекка қишлоқ ва овуллар аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш, уларда шаҳардагидан кам бўлмаган шарт-шароит ва қўлайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

“Қизилқум” наслчилик ширкат ҳўжалиги ҳудудида бунёд этилган янги мажмуа сартарошхона, новвойхона, озиқ-овқат ва майший буюмлар дўкони ҳамда олти юз ўринли маросимлар залини ўз ичига олади.

— Мақсадимиз аҳолига сифатли ва арзон хизмат кўрсатиш, унинг турларини кўпайтириш,

фаолиятимизни кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари очилди, — дейди мажмуа раҳбари, тадбиркор Дўсен Таусигеров.

— Овулимиз вилоят марказидан қарийб уч юз километр узоқликда жойлашган, — дейди 62 ёшли Эстан Аҳмедов. — Кейинги йилларда бу ерда кенг қўламли бунёдкорлик, ободончилик ишлари амалга оширилди. Фойдаланишга топширилган янги замонавий мажмуа аҳолига қатор қўлайликлар яратиш билан бирга овулимиз кўрғига-кўрк қўшди. Ўн нафарга яқин йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

И. ХОЛБОВЕВ
(ЎЗА)

Талабалар — замонавий уйлар қурилишида

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигини муносиват қилиб олиш мақсадида жойларда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободончилик ишларида олий ўқув юртлари талабалари ҳам фаол иштирок этаётди.

Бунда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда анъанавий тарзда амалга оширилаётган “Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, бунёдкорлик ишларида жалб этиш орқали уларда ватанпарварлик туйғусини янада кучайтириш мақсадида ташкил этилган мазкур лойиҳада минглаб ёшлар қатнашмоқда.

Навоий давлат педагогика ва кончилиқ институтларида тарқиб топган “Бунёдкор” ёшлар меҳнат гуруҳларининг уч юз нафардан ортиқ аъзоси айни пайтда Кармана, Навбахор, Хатирчи, Қизилтепа, Нурота, Томди ва Учкудук туманларида барпо этила-

ётган намунавий уй-жойлар қурилишларида қурувчиларга яқиндан кўмак бераётди.

— Ёзги таътилни меҳнат билан ўтказиш биз, ёшлар учун ҳар томонлама фойдалидир, — дейди Навоий давлат педагогика институтининг тарих факультети талабаси Фазлиддин Бектошев. — Хозирги кунда Хатирчи туманидаги “Ўзбекистон” массивида бунёд этилаётган намунавий уй-жойлар қурилишида ишлаб, тажрибали қурувчилардан кўп нарсаларни ўрганяёмиз. Вақтимизни мазмунли ўтказиш билан бирга моддий аҳволимиз ҳам яхшиланмоқда. Бу орқали оиламизга, ота-оналаримизга наф келтираётганимиздан мамнунмиз.

Ёрқул УМАР,
ЎЗА мухбири

Мураккаб ва кенг қўламли вазифалар

уларни ҳал этишда сиёсий партиялар зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан кўра ортиб бораётир

Сиёсий ўқув

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси кенг қўламли фаолияти жараёнида ҳамкорлик алоқаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар партиянинг жамият ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар, демократик янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ўртасида имзоланган Битим асосида ҳаётга татбиқ этилаётган ишлар бунга мисол бўла олади.

Мазкур Битим асосида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини ҳамда партиянинг Тошкент шаҳар Кенгашининг ҳамкорлигидаги ҳаракат дастури бўйича босқичма-босқич ташкил этилаётган сиёсий ўқувлар ислохотлар жараёнида партия ташкилотининг иштирокини янада кучайтириш, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг фаолият самарадорлигини ошириш каби вазифаларни муваффақиятли таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Ўзбекистон «Адолат» СДП туман кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари: натижа ва истикболлари» мавзусидаги навбатдаги тадбир ҳам бу борадаги вазифалар ижросига қаратилди. Тошкент шаҳар партия Кенгашининг туман ташкилотлари раислари ҳамда БПТ фаоллари иштирок этган тадбирда партия ишини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, бу жараёндаги натижа ва истикболлар ҳусусида атрофлича сўз юритилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси П.Пармонова мамлакатимизда давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, кўппартиявийлик тизимини янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаш-

тириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун сиёсий партиялар, шу жумладан, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилганини таъкидлаб ўтди.

— Конституциявий Қонунда белгиланган ҳуқуқий меъёрлар партиянинг давлат ва жамият қурилишидаги масъулиятини, ролини кучайтирди, марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги иштирокини кенгайтирди, — деди у. — Ўзбекистон «Адолат» СДП таркибидagi ҳудудий ташкилотлар, хусусан, Тошкент шаҳар партия Кенгаши бу имкониятлардан самарали фойдаланишга астойдил интиломоқдалар. Зеро, бугунги демократик янгиланишлар мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни қўймоқдаки, уни ҳал этишда сиёсий партиялар зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан кўра ортиб бораётир.

Шаҳар партия Кенгаши фаолияти кейинги йилларда бирмунча жонланди. Аъзолар сони ошиб, партиянинг молиявий мустаҳкамлиги яхшиланди. Партия аъзоларининг сиёсий билим ва фаоллик даражаси ортди. Хозирги кунда, айниқса, Кенгаш қошидаги Аёллар қаноти ташаббуси билан хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш борасида қўлаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Уларда аёлларнинг фаоллиги яққол кўзга ташланаяпти.

Фуқаролик жамият шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини раҳбари ўринбосари Р.Саидов «Сиёсий партиялар туман кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги маърузасида бу жараёнда бошланғич партия ташкилотлари, туман партия кенгашларининг ҳам ўзига хос ўрни бор эканини аниқ мисоллар асосида баён этди.

— Партия сайловолди дастурида бир қанча муҳим ҳаётий ғоялар, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ислохотларга наф келтириши мумкин бўлган режалар илгари сурилган, — деди Р.Саидов. — Эндиги вазифа — ушбу режаларни ҳаётга тўлақонли татбиқ этишдан иборат. Шу мақсадда шаҳар Кенгаши депутатлик гуруҳлари ҳамда куйи тузилмалар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш лозим. Жойларда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан биргаликда мунтазам фуқаролар қабулини ташкил этиш партия электратини ўйлантириб келадиган социал-иқтисодий муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимларини топишда муҳим ўрин тутди. Мазкур жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, партия мафкура-си, ғоя ва мақсадлари тарғиботига бағишланган тадбирлар кўламини, уларнинг савиясини ошириш учун туман кенгашлари ҳамда БПТ бири-бирларига ҳар томонлама кўмакчи, фаол ҳамкор бўлмоғи керак.

Тадбирда фаолиятдаги мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш йўллари аниқлаш мақсадида интерактив машғулот ўтказилди. Олинган хулосалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқибли, қабул қилинди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши
матбуот хизмати



Рангларда Ватан мадҳи

Давом. Боши 1-бетда

Ўтган йиллар давомида, аниқроғи 1999 йилдан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида аъло ҳулки, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодини намойён қилиб таълим олаётган, истиклол ғояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган иқтидорли қизлардан 182 нафари адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Ана шундай иқтидор эгаларидан бири нуқулсиқ Айнура Сапекеевадир.

Айнура санъатнинг рассомчилик йўналишида ижод қилиб келмоқда. Унинг асарлари нафақат мамлакатимизда, балки халқаро микёсда ташкил этилаётган танловларда ҳам қатнашиб, совриндорлар сафидан ўрин олиб келмоқда. Хусусан, 2007 йил Хиндистонда ўтказилган «Шанкар — 2007» халқаро болалар расмлари танловида қумуш медаль билан, 2008 йилда Японияда ўтказилган XI халқаро болалар расмлари кўргазмасида олтин медаль билан тақдирланди.

Яқинда Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада Зулфия

номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлган 11 нафар қизлар ижоди қаторида Айнуранинг ҳам асарлари намоиш этилди.

— «Суратларда Ватаним мадҳи» деб номланган ушбу кўргазма мени янада илҳомлантирди, — дейди Айнура Сапекеева. — Мамлакатимизда биз ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар, кенг имкониятлар ҳеч бир давлатда учрамайди, десам муболага бўлмайди. Энг олий орзуларимдан бири — Ватаним мустақиллигини янада мустаҳкамлашда бор куч-гайратини ишга солиб, она дийёрим равнақиға ўз ҳиссамни қўшиш.

Ойбек ТОЖИБОВ

Хоразмнинг энг намунали қуйи ташкилоти

Бошланғич ташкilotларда

Ҳазорасп тумани партия ташкилоти Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгашининг энг фаол партия ташкилотларидан саналади. Айни вақтда мазкур партия ташкилотида 1024 нафар партия аъзоси 15 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Туман партия ташкилоти қуйи бўғинлар билан ишлаш борасида бой тажрибага эга.

Бундай дейишимизга асос бор, албатта. Бир неча йилдан буён вилоят партия Кенгаши томонидан ўтказилаётган «Энг намунали БПТ» кўрик-танловида ўтган йилда ҳам ғолиблиқ Ҳазорасп тумани партия ташкилотининг яна бир бошланғич ташкилоти — туман тиббиёт бирлашмасидаги қуйи бўғинига насиб этди.

— Партиямиз мамлакатда амалга оширилаётган «Ислохот ислохот учун эмас, авваламбор инсон манфаатлари учун» тамойиллига риоя қилган ҳолда, қучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дас-

фахри», «Кексалар — хонадон фарошаси», «Соғлом она — соғлом бола» каби мавзуларда кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ташкил қилиб келмоқда.

— Тиббиётчилардан таркиб топган мазкур йирик қуйи ташкилотимиз фаоллари ташаббускорлиги билан ажралиб туради, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Ҳазорасп тумани кенгаши раиси Алишер Худойкулов. — Улар ташаббуси билан ҳомийлар жалб этилган ҳолда ўтган йили болалар поликлиникасига 2 та телевизор, Сил касалликлари диспансерига 50 дана ошхона анжомлари олиб берилди. Тумандаги «Тупроқ-қалъа» даҳасида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам даромадли оилалар партия эътиборида бўлиб келмоқда. Коллежнинг 6 нафар иқтидорли ўқувчисига стипендия бериш йўлга қўйилган.

Туман партия ташкилотида барча БПТни бирдек фаол деб бўлмайди. Масалан, туман бандликка кўмаклашиш марказидаги, Б.Матризаев МФИдаги каби баъзи қуйи бўғинлар ташкил этаётган тадбирлар таъсирчанлиги суст. Маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ҳамкорлик ҳам

яхши йўлга қўйилмаган. Бугунги кунда бошланғич ташкилотлар фаолиятини кескин жонлантириш партия ташкилоти олдида турган устувор масалалардан бирига айланган. Хозирги ҳолатга кўра эса, аксарият БПТнинг фаолияти кўпинча фақат тадбир-бозилқ билан чекланиб қолмоқда. Бундан ташқари қуйи тузилмалар ўз фаолиятида асосан соғлиқни сақлаш соҳасига йўналиб қолмоқда. Ватонанки, партиямиз электратини мутахассис ва ишчилар, илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар ҳам ташкил этади.

Мухтасар айтганда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда партия ролини ошириш учун қуйи тузилмаларда ишга ёндашувини янгилаш асосий вазифадир. Зеро, айнан бошланғич ташкилотларга партия электратини билан бевосита иш фаолиятида жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолардан яхши хабардор бўлади. Энг муҳими эса, мавжуд муаммоларни бартараф этишда БПТ муҳим бўгин саналади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Ахборот глобаллашуви даврида

педагог-ўқитувчиларнинг масъулиятини янада кучайтириш лозим

Давом. Боши 1-бетда

Таъкидлаш жоизки, 2011 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари Қўмитаси томонидан «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тизимларида ижро этилиши назорат-таҳлил тартибида ўрганилган эди. Назорат-таҳлил якунлари бўйича Қўмита томонидан қабул қилинган Қарорда таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ўқитувчилар таркибининг компьютер техникаси ва ахборот технологияларидан, Интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш, таълимга оид долзарб электрон ресурсларни ривожлантириш, компьютер техникаси ва интернет тизимидан ўқувчи-ёшларнинг самарали ва хавфсиз фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар белгиланган эди.

Яқинда қўмита томонидан ташкил этилган навбатдаги тадбир ҳам мазкур ишларнинг узвий давоми бўлди. Унда «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус-касб-хунар таълими маркази тизимларида ижро этилиши ҳамда ушбу масала юзасидан қабул қилинган Қўмита қарори ижросининг мониторинги якунлари муҳокама этилди.

Ахборотлаштириш дастурларига мувофиқ, ўқув муассасаларини компьютер техникаси билан жиҳозлаш, уларни интернет ҳамда «ZiyoNet» таълим тармоғига улаш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Буни ўтган йилда мамлакатимиздаги 2154 та умумтаълим мактаби, 376 та коллеж ва лицей, 280 та ахборот-ресурс маркази замонавий компьютер синфлари билан таъминланганидан ҳамда мультимедиа технологиялари билан жиҳозланганидан ҳам билиш мумкин. Шунингдек, таълим муассасаларини оптик-толали алоқа линиялари асосида юқори тезлик билан ишлайдиган ягона корпоратив тармоқда бирлаштирадиган Миллий электрон таълим тармоғини яратиш лойиҳаси амалга оширилди. Педагог кадрлар малакасини масофадан туриб ошириш тизимининг ташкил қилинган ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини мустахкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.



Фанлар бўйича ўзбек ва рус тилларида замонавий ўқув материалларидан фойдаланиш имконини берадиган www.eduportal.uz ахборот-таълим портали ташкил этилгани ҳам янги электрон таълим ресурсларининг жадаллик билан ривожланаётганидан далolatдир. Бундан ташқари, биргина 2011 йилда «ZiyoNet» таълим тармоғида 200 дан ортиқ ўқув қўлланма ва дастурлар, шунингдек, 1870 ахборот-таълим ресурслари жойлаштирилди. Мазкур таълим ахборот тармоғига бугунги кунда 9400 та умумтаълим мактаблари ва 1348 та ўрта-махсус таълим муассасалари уланганлиги, айниқса, эътиборлидир. Вазирлик ва Марказ тизимидаги таълим муассасаларида

фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш бўйича малакасини ошириш мақсадида махсус ўқув дастури асосида умумтаълим мактабларининг 423574 нафар, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг 115836 нафар педагог-ходимлари малака ошириш курсларида ўқитилгани ҳам аҳамиятлидир.

Шу билан бир қаторда, Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта-махсус, касб-хунар таълими маркази тизимида ахборотлаштириш соҳасида муаммо ва камчиликлар ҳам учраб турибди. Хусусан, Вазирлик ва Марказ фаолиятини автоматлаштириш мақсадида макси-

мал равишда ахборот тизимларини жорий этиш, электрон ҳужжат алмашуви тизимини ривожлантириш, электрон рақамли имзо технологиясидан самарали фойдаланиш лозим. Шунингдек, таълим жараёнига замонавий ахборот тизимларини ва технологияларини жорий қилиш ва Интернет тармоғидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш талаб этилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида партия замонавий телекоммуникация технологияларини фаол жорий этиш, Интернет тармоғидан умумий фойдаланиш пунктлари сонини кўпайтириш тарафдори эканлиги белгиланган. Шу нуктаи назардан, қонунчиликнинг тармоққа оид нормаларини янада такомиллаштириш, уларда бир қатор жиҳатларга эътиборни кучайтириш лозим. Чунончи, замонавий телекоммуникация ва ахборот технологиялари аҳамияти жамият ҳаётида йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу боис Интернет тармоғи орқали интерфаол хизматлар кўрсатишни ривожлантиришда аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинishi лозим. Бундан ташқари, бу ишлар самарадорлигини оширишда инновация дастур ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳар бир оилани компьютерлаштиришга эришиш зарур.

Шу билан бир қаторда, Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта-махсус, касб-хунар таълими маркази тизимида ахборотлаштириш соҳасида муаммо ва камчиликлар ҳам учраб турибди. Хусусан, Вазирлик ва Марказ фаолиятини автоматлаштириш мақсадида макси-

мал равишда ахборот тизимларини жорий этиш, электрон ҳужжат алмашуви тизимини ривожлантириш, электрон рақамли имзо технологиясидан самарали фойдаланиш лозим. Шунингдек, таълим жараёнига замонавий ахборот тизимларини ва технологияларини жорий қилиш ва Интернет тармоғидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш талаб этилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида партия замонавий телекоммуникация технологияларини фаол жорий этиш, Интернет тармоғидан умумий фойдаланиш пунктлари сонини кўпайтириш тарафдори эканлиги белгиланган. Шу нуктаи назардан, қонунчиликнинг тармоққа оид нормаларини янада такомиллаштириш, уларда бир қатор жиҳатларга эътиборни кучайтириш лозим. Чунончи, замонавий телекоммуникация ва ахборот технологиялари аҳамияти жамият ҳаётида йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу боис Интернет тармоғи орқали интерфаол хизматлар кўрсатишни ривожлантиришда аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинishi лозим. Бундан ташқари, бу ишлар самарадорлигини оширишда инновация дастур ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳар бир оилани компьютерлаштиришга эришиш зарур.

Шу билан бирга, партия бугунги ахборот глобаллашуви даврида ўқувчи-ёшларни менталитетимиз ва маънавий қадриятларимизга ёт бўлган, уларнинг соғлиги ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказувчи ахборот хуружларидан химоя қилишни жамоат иши деб билади. Мазкур йўналишда ёш авлодни маънавий таҳдидлардан асраш, айниқса, педагог-ўқитувчиларнинг масъулиятини янада кучайтириш лозим. Зотан, бугунги давр ёшларнинг қизиқишларига мувофиқ миллий ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, уларнинг ахборот технологияларига оид билимларини замон талабларига мос тарзда ошириб боришни тақозо этмоқда.

Раъно ГАЙМОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Электоратимиз манфаатларига хизмат қилади

Давом. Боши 1-бетда

Бинобарин, ривожланган (Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция ва бошқа) мамлакатлар таърибасида магистрдан кейин докторлик илмий даражаси назарда тутилган бўлиб, бу тизим ўзининг самарали натижаси билан амалда ўзини оқлаган.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга кирадиган ушбу Фармон асосида умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ диссертация химоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди. Стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институти бекор қилиниб, унда таълим олаётган шахсларни олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимининг янги талабларига мувофиқ, уларни аттестациядан ўтказиш ва диссертация тадқиқотлари мавзуларини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида катта илмий ходим-изланувчилар институтига ўтказиш учун рухсат берилди.

Катта илмий ходим-изланувчилар институтига қабул қилиш, «Магистр» даражаси билан олий маълумотга эга бўлган, катта илмий ходим-изланувчилар институтида илмий изланишлар натижаларига кўра докторлик диссертациясини химоя қилган шахсларга тегишли фан йўналиши бўйича фан доктори илмий даражасини бериш жорий қилинди. Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчи сифатида расмийлаштирилган, «бакалавр» ёки «магистр» даражаси билан олий маълумотга, 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган, илмий изланишларга лаёқати мавжуд, белгиланган талабларга мос келадиган маълум бир илмий ютуқларга (ихтиро учун патентлар, илмий мақолалар, илмий-технологик ишланмаларда қатнашиш ва бошқалар) эга бўлган шахсларга ҳам докторлик диссертациясини химоя қилиш имконияти яратилди.

Шу билан бир вақтда фан номзоди илмий даражасига эга бўлган барча шахслар учун тегишли имтиёзлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган молиявий тўловлар; профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини бериш сақлаб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умум қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ «магистр» даражасини бериш бўйича диссертация иши мазмун ва сифатига қўйиладиган янги мезонлар ва талаблар ишлаб чиқиш, халқаро таърибани ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш, докторлик диссертациясини тайёрлаш ва

химоя қилиш, профессор, доцент ва катта илмий ходим унвонларини олиш учун қўйиладиган янги талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, ортиқча бюрократик жараёнларни йўқотиш, янги талабларни ҳисобга олган ҳолда унинг тузилмасини оптималлаштириш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича тегишли чоралар кўриш вазифаси юклатилди.

Ушбу Фармон мамлакатимизнинг илмий салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилганлиги билан ҳам эътиборга молик ва Ўзбекистонда илмий асосланган иқтисодий ташкил этиш ва уни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши нуктаи назардан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловолди дастурига, шунингдек, Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган таълимга оид халқаро шартномаларга мос.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, Фармон илм ахлига яна бир катта ғамхўрлик намунаси бўлиб, мамлакатимизда илм-фани янада ривожлантиришга, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уларни илм йўлидаги турли хил бюрократик ва суиистеъмончилик тўсиқларидан химоя этишга хизмат қилади.

Мазкур Фармон таълим соҳасида изчиллик билан босқичма-босқич амалга ошириладиган ислохотларнинг узвий давоми бўлиб, магистрлик даражаси салоҳиятини оширишга, фан доктори даражасини эса ёшартиришга, иқтидорли ва талантли ёшлар учун катта имкониятлар яратишга, илм-фан ютуқларини амалиётга кенг жорий этишга, энг муҳими мамлакатда амалга ошириладиган демократик янгиланишларни ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилганлиги билан ҳам ўта аҳамиятли.

Зеро, юксак зафарлар сари элтувчи йўл — илмдир. Илм олиш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган Президентимиз Фармони электоратимиз, хусусан зиёлилар манфаатлари учун хизмат қилиши ва натижада мамлакатимиз янада тараққий этиши шубҳасиз. Чунончи «Адолат» СДП ўз дастурида фундаментал илм-фани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тарафдори эканлигини маълум қилган.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг соҳага алоқадор қатлами мазкур ижобий ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этишда ўзининг илмий потенциали ва салоҳияти билан фаол қатнашади.

Абдукамол РАХМОНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Реклама бозори тартибга солинмоқда

Назорат-таҳлил

Кундалик ҳаётимизни рекламасиз тасаввур этиб бўлмайди албатта. Бугун реклама ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган. У нафақат истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ўртасидаги кўприк, балки, одамлар онгига таъсир этувчи воситага айланган. Мамлакатимизда реклама фаолияти билан шўғулланувчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хўш, бугун ушбу фаолиятга тегишли нормалар жойларда қандай ижро этилмоқда?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши ана шу мавзуга бағишланди. Унда «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида ижроси ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда реклама соҳасида мукамал қонунчилик базаси мавжудлиги сабаб мазкур соҳа ривожланиб бормоқда.

Республика реклама бозорининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, агар ўтган йили реклама агентликлари сони 482

тадан иборат бўлган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 494 тани ташкил этмоқда. Реклама тарқатишда телевидение асосий субъект ҳисобланиб, унинг бозордаги улуши 52 фоизни, босма нашрлар улуши 22 фоизни, ташқи реклама 14 фоизни, радио улуши эса 12 фоизни ташкил этади.

«Реклама тўғрисида»ги Қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти ҳокимлари томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, ташқи рекламани жойлаштириш бўйича комиссиялар ташкил этилган, реклама соҳасига оид қонунчилик нормаларини тушунтириш иш-

лари олиб борилмоқда. Асосий эътибор «Реклама тўғрисида»ги Қонун нормалари мазмун-моҳиятини жамоатчилик, реклама агентликлари етказишда тарғибот ва ташвиқот ишлари, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг реклама фаолиятини рағбатлантиришга, қонун бузилишлари олдини олиш мақсадида профилактика ишлари қаратилгандир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиздаги реклама бозорининг умумий ҳажми нисбатан Тошкент шаҳрининг улуши 52 фоизни ташкил этади. Тошкент шаҳри реклама бозорида бугунги кунда 200 дан ортиқ субъект фаолият юритмоқда, шундан 68 таси ташқи рекламани жойлаштиришга ихтисослашган реклама агентликлари саналади.

Тошкент шаҳрида мавжуд реклама бозорининг реклама тарқатиш билан боғлиқ йўналишлар тизимидаги фоиз нисбати ўрганилганда, ўртача 35 фоизи телевидение, 24 фоизи радио, 23 фоизи босма нашрлар ва 18 фоизи ташқи рекламага тўғри келиши маълум бўлди. Шаҳарда жойлаштирилган 4113 та ташқи реклама воситаларининг 32 фоизи юқори технологиялар асосидаги LCD экранларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этилган.

Самарқанд вилояти реклама бозори таҳлил қилинганда жами рекламанинг улушида 42 фоизи телевидение, 14 фоизи

радио, 28 фоизи босма нашрлар, 16 фоизи ташқи рекламага тўғри келади. Вилоят ҳокимлиги қошидаги комиссия 2011 йилда 23 мартаба, жорий йилнинг олти ойи давомида 15 мартаба йиғилиш ўтказиб, 800 дан ортиқ ёзма muroжаатларни кўриб чиққан. Ташқи рекламанинг қарийб 70 фоизи давлат тилида ёзилгани, товар ва хизматлар ҳақида тарқатиладиган рекламанинг 80 фоизи маҳаллий тадбиркорлар маҳсулотларига тегишли эканлиги эътиборга моликдир.

«Реклама тўғрисида»ги Қонунга оид мамлакат миқёсидаги статистик маълумотларда келтирилишича, 2011 йил ва жорий йилнинг олти ойи давомида 774 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилиб, булар асосан нотўғри рекламанинг тарқатилиши, ташқи реклама жойлаштириш тартиби ва талабининг бузилиши, телевидениеда чекланган вақтга амал қилмаслик, рекламага оид асосий талабларнинг бузилиши характеридида қоидабузарликлардир.

Қонун бузилиши ҳолатларининг кўп қисми Тошкент шаҳрига тўғри келиб, 2011 йилда реклама қонунчилигини бузганлиги учун 121 нафар мансабдор шахсга, Самарқанд вилоятида эса 1 нафар мансабдор шахсга, жорий йилда тегишлича 29 ва 16 нафар мансабдор шахсларга жазима қўлланилган.

Ўтган йили ҳўжалик судла-

ри томонидан Тошкент шаҳрида 23 та рекламага оид иш кўриб чиқилиб, шундан 24 таси қаноатлантирилган, 3 таси рад этилган, 49 таси тўхтатилган. Самарқанд вилоятида эса 3 та рекламага оид иш кўриб чиқилиб, даъво қаноатлантирилган.

Шунингдек, йиғилишда ёшларимиз маънавий онгига салбий таъсир этувчи рекламалар, айниқса, интернет сайтлари орқали бериладиган турли кўринишдаги ноқонуний рекламаларни чеклаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига, ҳокимликларга, тегишли вазирлик ва идораларга «Реклама тўғрисида»ги Қонун талабларини бажариш юзасидан тавсиялар берилди. Хусусан, реклама бозорини мониторинг қилиш, реклама соҳасидаги статистика тизимини такомиллаштириш, ташқи рекламани жойлаштириш қоидаларига қатъий амал қилиш, реклама берувчи ва тарқатувчилар ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, ташқи рекламанинг давлат тилидаги матнини кўпайтириш тасвия қилинди.

Йиғилиш сўнггида муҳокама этилган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиш ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илҳос САХАТОВ,
«Adolat» мухбири



Давомий. Боши 1-бетда

Соҳибқироннинг Европа қироллари билан ёзишмаларида турли мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқ ишларини йўлга қўйишнинг, ишбилармонлар учун керакли шарт-шароитларни яратиб беришнинг муҳим аҳамияти алоҳида эътироф этилади. "Энди ул Амири Кабирдан илтимосимиз ва умидимиз шулки, — дейилади Фарангистон қироли Карл VI га йўлланган мактублардан бирида, — бизга муборак мактубларини ҳамisha йўллаб турсалар, токи улар бизни Амири Кабирнинг саломатликлари-дан хабардор этиб, бу борада хотиримизни жам қилгай. Яна ҳазратлари ўз тожирларини биз томон юборсалар ва биз уларнинг хурмат-эътиборларини бажо келтирсак, уларнинг хурмат-иззатлари сақланса, уларга ҳеч ким зўрлик кўрсатмаса, зиён-заҳмат етказмаса. Чунки дунё тожирлар билан ободдир..."

Карл VI га йўлланган бошқа бир мактубда шундай сатрлар бор: "Бизнинг истагимиз — сизнинг саломатлигингиз ўс-тивор бўлсин, сизнинг ва бизнинг одамларимиз бу икки эътиборли мамлакат ўртасида ўзаро бориш-келиш қилсинлар, токи сизнинг ва бизнинг улўғворлигимиз ҳамма ерда мактовга лойиқ бўлсин. Тижорат ишларининг фойдали бўлувига ҳам эришайлик..."


Бу фикрларда мамлакатлар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишнинг, бу алоқаларни йўлга қўйувчи ва ривожлантирувчи тадбиркорлар, ишбилармонлар учун ҳамма жойда зарур шарт-шароитлар ярати-лиши, уларнинг мулкига, ҳақ-хуқуқига ҳеч ким дохил қилмас-лиги гоёт катта аҳамиятга эга-лиги таъкидланади.

Собик тузум мана шу оддий ҳақиқатни, тадбиркор ва ишбилармонларнинг дунёни обод қилишдаги ролини тушунмади, аниқроғи, тушунишни истама-ди, аксинча, уларнинг қўло-бегини боғлаб қўйди, тадбир-корликни жиноий ҳаракат деб баҳолади, ишбилармонлик қораланди ва натижада, бутун тузум, иқтисодий сиёсат та-назуулга эч тутди.

Кейинги йилгирима бир йил-лик умримиз истиқлол шароити-да ўтди. Шу йиллар ичида жа-мият ҳаётида, ҳар биримизнинг шахсий турмушимизда, онг-шу-римизда юз берган ўзгариш-ларни шунчаки санаб ўтишни ўзига қўп вақт кетади. Бу ўзга-ришларнинг ҳар бири ўзича му-ҳим ва аҳамиятга эга.

Биргина мулк ва мулкдор-ларга бўлган муносабатнинг ўзгаришини олайлик. Муста-қиллик собик тузумнинг гай-рининсоний қадриятларини, иқтисодиётга доир сохта тар-тиб-қоидаларини, тадбиркор-лар ва ишбилармонларга нис-батан асоссиз чекловларини рад этган ҳолда, янги, ҳалқ-чил қадрият ва қоидаларни жорий этишдан бошланди де-сак, янгилишмаган бўламиз. Давлатимиз раҳбарининг қатор Фармон ва қарорлари, Давлат дастурлари мамлаката-мизда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратишга, ишби-лармонлик муҳитини қарор то-птиришга қаратилди.

Деярли ҳар йили тадбир-корлик билан шуғулланаётган кишиларга эркинлик бериш, солиқ тўловларини, шунингдек, тадбиркорлар тасарруфидаги ишлаб чиқариш қорхоналари-



Тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг ойдин йўли

нинг молиявий-хўжалик фао-лиятига давлат ва назорат қилувчи идораларнинг арала-шувини, уларни асоссиз тек-ширувни камайтиришга доир тегишли чора-тадбирлар бел-гиланади. Тадбиркор, ишби-лармон кишиларнинг ҳақ-хуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги расман эътироф эти-лади. Давлатимиз раҳбари тақлиф этган Концепциянинг "Демократик бозор ислохотла-рини ва иқтисодиётни либе-раллаштиришни янада чуқур-лаштириш" йўналишида кўзда тутилган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг асо-сий госяи ҳам мулкдорлар ман-фаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш янада кучай-тиришдан иборат.

Айтиш жоизки, мамлаката-мизда шаклланаётган мулк-дорлар синфи манфаатлари-ни ҳимоя қилиш, бу ҳимоянинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида кўпгина ишлар қилинди. Чунки, мамлаката-мизда "Тадбиркорлик фао-лияти эркинлигининг кафолат-лари тўғрисида" ва "Хусусий қорхоналар тўғрисида"ги Қо-нуларнинг қабул қилиниши, Президентимизнинг "Тадбир-корлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида" ҳамда "Тадбиркорлик субъектлари-нинг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молия-вий жавобгарлигини эркин-лаштириш тўғрисида"ги Фар-монлари, 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лик йили" деб эълон қилини-ши, шу асосда махсус Давлат дастурининг қабул қилиниши фикримизга далил бўла ола-ди. Мазкур Дастурда белгилан-ган вазифаларнинг бажарили-ши мамлакатимизда қайта шаклланаётган мулкдорлар ўрта бўғинига эътиборни ку-чайтириш, ички бозорни ҳалқ истеъмоли учун зарур бўлган сифатли ва рақобатга бар-

дошли махсулотлар билан тўлдириш, янги ишчи ўринла-рини яратиш ҳисобига банд-лик муаммосини ҳал этишга ҳисса қўиш, аҳоли даромад-ларини янада ошириш имко-нини берди. Энг муҳими, одамлар тадбиркорлик билан эмин-эркин фойдаланиш, бу борада мамлакатимиз қонунла-рида кўзда тутилган ҳуқуқ ва имтиёзлардан тўла фойдала-ниш, ўз меҳнатлари натижаля-ридан баҳраманд бўлиш, хусу-сий мулкни фарзандларига бел-гиланган тартибда қолдириш имкониятига эга бўлдилар.

Шу билан бирга, давлати-миз раҳбарининг янги Фармо-нида эътироф этилгандек, тадбиркорларга кенг имкони-ятлар яратиб бериш бораси-да ҳали ҳам камчилик ва нуқ-сонлар мавжуд. Жумладан, "ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати, бизнесни юритиш шарт-шароитлари эр-кин бозор иқтисодиёти талаб-лари ва таъминлашга, ҳалқ-қаро меъёри ва стандартларга ҳали тўла даражада мос кела-ётгани йўқ. Тадбиркорлик фа-олиятини ортиқча регламент-лар билан чеклаб қўйиш ҳол-лари ҳали ҳам бартафат этил-маган, иқтисодиёт тармоқла-ри ва секторларида катта, сер-харажат, ношқора маъмурий тартиб-қоидаларини қисқарти-риш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмурият-чилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисо-бот тизимини такомиллашти-ришга йўналтирилган қонун ҳу-жатларини мукаммаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилар-монлик муҳитини тубдан яхши-лаш, бу соҳанинг мамлакат иқтисодиётини ривожланти-ришдаги ҳиссасини ошириш

кўзда тутилган. Шу билан бир-га, ички бозорда рақобатни яна-да кучайтириш, мулкчилик фа-олиятини ташкил қилиш шакл-ларидан қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари учун бизнесни юритишда тенг ша-роитлар яратиш, бозор тамо-йиллари асосида моддий-хом-ашё ва кредит ресурсларидан фойдаланишга, давлат харид-ларида ҳамда махсулотларни сотиш ва пудрат ишларини амалга ошириш борасидаги танлов савдоларида иштирок этишга кенг имкониятлар яра-тиб бериш муҳим вазифа си-фатида эътироф этилади.

Муҳим янгиликлардан яна бири шуки, бундан буён ста-тистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишда, солиқлар ва мажбурий тўло-вларни тўлашда, рўйхатга олиш ва рўхсат бериш тартиб-тамо-йилларини амалга оширишда, ер майдонларини ажратиш ва муҳандистик-коммуникация тар-моқларига улаштириш, шунинг-дек, тадбиркорлик субъектла-рини кредитлашда давлат, на-зорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари кўра молиявий ва ҳисоб-китоб-га доир фаолиятларини элек-трон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони мамлакатимиз-да тадбиркорлик ва ишбилар-монлик ҳаракатини янада ри-вожлантириш, бу соҳанинг янги истиқболларини очиб бо-расида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Худоёр МАМАТОВ,
Самарқанд вилояти адлия
бошқармаси бошлиғи

Жамиятда юксак ҳуқуқий маданият

умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми

Концепция:
устувор вазифалар

"Мамлакатимизда демократик ислохот-ларни янада чуқурлаштириш ва фуқаро-лик жамиятини ривожлантириш Концепция-си" давлатимиз ислохоти ва модернизациясини янги босқичга олиб чиқадиган асосий дастурий ҳужжатдир. Унда белги-лаб берилган устувор йўналиш ва вазифаларнинг тўб замирида инсон ҳуқуқла-ри юқори даражада қадр топанлиги ало-ҳида эътиборга сазовордир. Зеро, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда унинг ман-фаатлари йўлида қонунлар қабул қили-ниши мамлакатимизда ҳуқуқий демокра-тик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги кенг қўламли исло-хотларнинг изчил давом этаётганидан да-лолатдир.

Пировардида, ҳуқуқий де-мократик давлат ва эркин фу-қаролик жамияти барпо этишдек эзгу мақсадлар сари интилишларимиз, иқти-содий барқарорлик, юрти-мизда тинч эркин ва фаро-вон ҳаётнинг бардавомлиги, ҳалқимиз турмуш тарзини юк-салтириш борасида амалга оширилаётган барча саяй-ҳаракатларимиз жаҳон ҳамжа-мияти томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Концепциянинг устувор йў-налишлари ва вазифалари эълон қилинган чоғда жамия-тимизда инсон ҳуқуқлари ма-даниятини шакллантириш ло-зимлиги алоҳида таъкидлан-гани бежиз эмас. Чунки жа-миятимиз ривожланиб, қонун устуворлиги таъминланаётган бир вақтда фуқароларда қонунларга ҳурмат тўғрисида шаклланимаса, жамиятда ин-сон ҳуқуқлари ҳурмат қилин-маса, қўзланган эзгу мақсад-ларга эришиш қийин кечади.

Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида мамлакатимизда ўз ҳақ-хуқуқларини танийди-ган, ўз кучи ва имкониятла-рига таянмаган, воқеа-ҳоди-саларга мустақил муносабат билдира оладиган баркамол инсонларни тарбиялаш вазифа-си ҳал қилувчи масалага айланди.

Инсон ҳуқуқлари мадания-ти — маънавий маданиятнинг энг асосий ўзағи. Бу тушунча илк бор 1989 йилда Бирлаш-шан Миллатлар Ташкилотининг ахборот материаллари саҳи-фаларида пайдо бўлди. У ҳу-қуқнинг инсонпарварлиги госяидан келиб чиқса-да, 1989 йилга қадар маъмур ту-шунча устида илмий ишлар олиб борилмади, юридик адабиётларда таъриф-тас-ниф келтирилмади. Холбуки, "Инсон ҳуқуқлари маданияти" тушунчаси кўпқиррали ва му-

раккаб бўлиб, унга турли таъ-рифлар берилган.

Фикримизча, инсон ҳуқуқла-ри маданияти — шахс камо-лининг муайян сифат поғона-сини билдиради. У ўз доира-сига инсоннинг гоъвий савия-сини, ҳуқуқий билим ва мада-ниятини, сиёсий таърибаси-ни, сиёсий-ижтимоий ҳодиса-ларга бўлган муносабатини, ҳуқуқий билимларининг ҳақи-қийлигига бўлган ишончи ҳамда ҳаётдаги фаол ҳуқуқий ҳулқ-атвор даражасини қам-раб олади.

У жамиятнинг маънавий маданияти таркибига кирган ҳолда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий ма-даният ва инсон ҳуқуқлари би-лан узвий боғлиқдир. Шу нуқ-таи назардан қараганда жамиятда инсон ҳуқуқлари ма-даниятини юксак поғонасига эришиш фуқароларнинг ўзига боғлиқ бўлиб, бу — ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва эркин-маса, қўзланган эзгу мақсад-ларига эришиш қийин кечади.

Шажсада инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш учун энг биринчи ўринда ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таъ-лимга катта аҳамият бериш лозим. Ҳуқуқий тарбия мурак-каб фаолият тизими ҳисоблан-ганлиги боис, мамлакатимиз-да бу масалага алоҳида эъти-бор берилмоқда.

Аҳолини ҳуқуқий билими ва тарбиясини юксалтиришга йўналтирилган қатор қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Ма-салан, 1997 йил 25 июнда Пре-зидентнинг "Ҳуқуқий тарбия-

ни яхшилаш, аҳолининг ҳу-қуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадр-ларни тайёрлаш тизимини та-комиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини ях-шилаш ҳақида"ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалти-риш" миллий дастури ҳозир-ги кунга қадар аҳолини ҳуқуқий онги ва маданиятини юксал-тиришда энг асосий ҳужжат сифатида амал қилмоқда.

Ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий таълим, юридик амалиёт ва ўзини ўзи тарбиялаш каби ту-шунчалар ҳуқуқий тарбия во-ситалари тушунчаларига кира-ди. Ушбу йўналишда сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан қўплад чора-тадбирлар белги-ланиб, ҳуқуқий тарғибот иш-лари ўтказилмоқда.

Адлия органи ва муассаса-лари томонидан 2012 йилнинг 6 ойи давомида жами 28660 мартаба ҳуқуқий-тарғибот ишлари амалга оширилган бўлиб, шундан 8501 таси ин-сон ҳуқуқлари соҳасида, 3642 таси хотин-қизларга, 3122 таси вояга етмаганларга ва 5926 таси тадбиркорлик ҳамда бошқа қонун ҳужжатла-рига оид ҳуқуқий тарғибот ишларидир.

Келтирилган ушбу фикрлар-дан хулоса қилиб айтиш мум-кинки, инсон ҳуқуқлари мада-ниятини шакллантириш восита-ларига ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий таълим, юридик ама-лиёт ва ўзини ўзи тарбиялаш, қонунийликни амалда мустаҳ-камлаш, кучли юридик фан-нинг мавжудлиги, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар тизими-нинг мукамаллиги каби та-моийлар кириб, у умуминсо-ний маданиятнинг таркибий қисмидир. Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга ҳуқуқий тарбияни амалга оши-риш ва ҳуқуқий тарғиботлар сифатини кўтариш орқали эри-шиш мумкин. Бунда албатта, сиёсий партиялар, айниқса, дастурида демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаро-лик жамиятини барпо этиш, маънавий жиқлашган жамия-тини шакллантириш жараёна-рида ўз ролини кучайтириш-ни мақсад қилиб қўйган "Адо-лат" социал-демократик пар-тиясининг алоҳида ўрни бор. Зеро, мазкур партиянинг мар-казда ва жойларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари-га кўрсатилмаётган амалий ёрдамдир.

Ш.АБДУҲАЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маъсул ходими

Прокуратура таъсирчан назоратни таъминлайди

Ҳайъат мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Бош прокуратура ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг таркибий тармоқлари раҳбарлари, шунингдек, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, департаментнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари иштирок этдилар.

Ҳайъат мажлисида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийлигини мус-

тахкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик

ҳамда ҳуқуқбузарликларини қонун олдидан олиш борасидаги 2012 йилнинг биринчи ярми мобайнидаги фаолияти яқунлари муҳокама қилинди.

Қайд этилган даврда прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ижроси устида назоратни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган прокуратура органлари вазифаларини амалга оширишга устувор аҳамият берилди.

Ҳайъат мажлисида жорий — «Мустаҳкам оила йили» — оилаларни, айниқса ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш борасидаги чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилишига эътиборни кучайтириш бўйича вазифалар юклатилди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада эркинлик бериш, улардан солиқ, статистик ва молиявий ҳисоботларини олишни кескин қисқартириш, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инвестиция дастурларининг амалга оширилиши, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва бандлигини таъминлашга оид қонунчилик ижроси юза-сида назоратни кучайтириш ҳамда бу борада мутасадди

идоралар мансабдор шахсларининг масъулиятини оширишга қаратилган зарур чораларни қўриш топширилди.

Қишлоқ жойларда уй-жой, муҳандислик, транспорт коммуникациялари тармоқлари ва инфраструктура объектларини қуриш ҳамда бу соҳани ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан доимий назорат олиб бориш ҳусусида қатъий талаблар қўйилди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар орасида назоратсизлик ва қаровсизликнинг олдини олиш, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб этиш, коллеж ва лицей битирувчиларини ишга жойлаштиришга оид қонунчи-

лик ижросига алоҳида тўхта-либ, бу соҳада назоратни янада кучайтириш зарурлиги ҳамда қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларини олдини олишнинг барча чораларини кўриш лозимлиги қайд этилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштири-либ, улар ўртасида ўзаро ҳам-корлик таъминланиб келинган-лиги таъкидланиб, бу борада кенг жамоатчиликни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шулар билан бирга, ҳайъат мажлисида прокурор назоратининг бошқа айрим йўналишларида камчиликларга йўл қўйилганлиги қаттиқ танқид остига олинди.

Ўзбекистон Республикаси

Бош прокурори Р.Қодиоров томонидан вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, тегишли тармоқ раҳбарларига қонунлар ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлашда масъулиятни, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларига фаолият самарадорлигини янада ошириш борасида қатор вазифалар юклатилди.

Ҳайъат мажлиси якунида қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди ва ижросини таъминлаш учун жой-ларга юборилди.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
матбуот хизмати

Фаолият

Одамлар орасида бўлиш бахти

Партия фаоллари

Миробод туман партия ташкилоти мамлакатимиз ҳаётида ўзининг мустақкам ўрнига эга бўлган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг энг фаол ва ташаббускор бўғинларидан бири ҳисобланади. Унинг кейинги йиллардаги фаолиятига разм солсангиз, кескин ўзгариш ва янгиланишларнинг гувоҳи бўласиз. Жумладан, ўтган йилнинг ўзига туманда партия аъзолари сони 217 тага кўпайиб, 711 нафарга етди. Илгари «Адолат» СДПнинг биронта ҳам аъзоси бўлмаган етакчи корхона ва ташкилотларда ишловчи ишчи-хизматчилардан бу сиёсий куч сафига қабул қилишларини сўраб ўнлаб аризаларнинг тушгани айримларни ҳайратда қолдирган бўлса, баъзи бировларни ғафлат уйқусидан уйғотди. Ҳатто бир пайтлар партия ташкилотининг қўли етмаган «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси, «Йўлэлектромеханика» МЧЖ, «Ўзтемирйўлпассажиртранс»нинг «Сервис-экспресс» каби меҳнат жамоаларидан «Адолат» СДП сафига ўтишга иштиёқманд мутахассисларнинг етишиб чиққани Кенгашнинг кадрлар билан ишлаш масаласига қанчалик жиддий эътибор билан ёндашётганлигини кўрсатди.

Партия ташкилоти фаолияти унутилмас, муҳим воқеаларга бой. Ахир рақобат майдонида кураш осон кечмайди. Хар бир партия ўз макъеи, мақсад-муддаолари, ғоялари учун курашади. Шундай экан, кўппартиявийлик шароитида, ҳозирги янгиланишлар жараёнида сиёсий куч нуфузини оширишга баландпарвоз гаплар, тоғдек ваъдалар билан эмас, балки ўзоқни кўзлаб қилинган амалий саъй-ҳаракатлар билан эришиш, ўз масаласидан ва ҳайрихоҳлигини кўпайтириш, аҳоли кенг қатламлари орасидан мустақкам жой эгаллаш мумкин. Туман партия Кенгаши раиси, социолог-фанлари номзоди, Соғлиқни сақлаш аълочилиси, Фатрий темирйўлчи Тошпўлат Матибоев халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига депутат.

Партия Кенгаши раиси Тошпўлат Матибоев лоқайдликни хуш кўрмайди. Бефарво, масъулиятсиз, ҳасадгўй, ўз сўзининг урдасидан чиқа олмай-диган кишилар билан келиша олмайди. Атрофда доимо қатъият, фидойи, юртпарвар сафдошлар, масаласидан кўпайиб боришини хоҳлайди. Улар билан ишлаб, излаиб чарчамайди.

Лоқайдлик ва бефарволикдан йироқ партия фаоллари ташаббусни қўлга олиб, қўй ташкилот нуфузини оширишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Кенгаш ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар тўпланган тажрибаларни янада бойитишга ҳизмат қилаётти. Партия тadbирлари аҳоли билан жонли мулоқотнинг самарали воситасига айланиб бормоқда. Уларда-



ми мавзулар ҳам хилма-хил, бир-бирини асло такрорламайди. Жумладан, мустақилликнинг ўтган йиллари ичида юртимизда рўй берган мислсиз ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги кенг қамровли ислохотлар самараси, кўппартиявийлик шароитида хар бир сиёсий кучнинг тутган ўрни, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли тобора кучайиб бораётгани ҳақидаги мавзулар қатор тadbир, учрашув ва жонли мулоқотларга йўл очмоқда. Шу билан биргаликда бугунги куннинг муҳим масалалари — терроризм ва ақидпарастликка қарши кескин курашишга қаратилган тadbирлар четдан кириб келаётган, мамлакатимиз фуқароларининг онгини заҳарлашга, уларни тўғри йўлдан огдиришга уринаётган қабих ниятли кимсаларга қаттиқ зарба бермоқда. Туман ахли, ёшлар бугунги тинч-осойишта ҳаёт, кадрини тўғри англаб етишмоқда, уни эъзозлаб, асраб-авайлашаётти.

Миробод — мамлакатимиз

пойтахтидаги етакчи туманларнинг бири. У ўзида ўндан ортиқ миллат вакиллари билан бирлаштирган. Шундай экан, партия тadbирларини ташкил этишда кўпмиллатли туман аҳолисининг қизиқиш ва иштироки билан ҳам ҳисобга олиш, уларни ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳабардор этиш, масалалар ечимига чуқурроқ кириб боришга кенгаш бежиз муҳим аҳамият берилаётгани йўқ. Улар мустақил юртимизда бир оила фарзандларидай аҳил ва иноқ яшаб, ўзлари ёқтирган сиёсий кучга ҳайрихоҳлик қилишмоқда. Унинг ғояларини қўллаб-қувватлаб, фол аъзосига айланишмоқда.

Кенгаш раиси Тошпўлат Матибоев билан анча суҳбатлашдик. Юмушлари кўп, доимо қизгин учрашув ва мулоқотларга ошиқадиган, партия ишларидан деярли ортайдиган бу жонқуяр етакчи тарихчи олим Ҳамдам Содиқов билан ҳаммуаллифликда ёзган янги китобининг чоп этишга тайёрланган нусхасини менга узатди. Асарни қўлимга олиб, кўз югуртирар эканман кунт қилган одам кўп нарсаларга имкони-

ят топишини кўнглимдан ўтказдим.

— Яхши иш бўлибди, — дедим муаллифни табриклаб.

Раис бош силкиб қўйди. Сўнг ўрнидан туриб менга юзланди.

— Юринг, тоза ҳавода бир сайр қиламиз.

Атрофни мароқ билан кузатиб, кўп қаватли уйлар олдидаги болалар майдончасига етиб келганимизни билмай ҳам қолдик. Бу ерда кичкинтой ўғил-қизлар бир-бирлари билан ўйнаб, бахтиёрлик дамларини ўтказишарди. Уларни кузатиб, бу ҳолатдан завқ олаётган ота-оналарнинг шодлигидан хар қандай одам яйраб кетади.

— Биласизми, — деди Тошпўлат ака кўнглини ёриб, — чарчаган пайтларим бу ерга тез-тез келиб тураман. Бахтиёр ёшларнинг шодон ўйин-кулгиларини кузатиб, завқ оламан. Биз катталар кичкинтойлар олдида доимо масъулимиз. Уларнинг бахти — бизнинг бахтимиз...

Фурқат маҳалласидаги кўпқаватли уйлар олдида қаровсиз ҳолда ҳувилаб ётган бўш майдон туман партия Кенгашининг эътиборидан четда қолмади. Ташаббус билан чи-

қиб, қаровсиз жойни болалар ўйингоҳига айлантиришга қарор қилди. Бу ишга мутахассислар орасида NetRiders2012 тармоқлари бўйича глобал онлайн мусобақа ўтказилди. 45 та мамлакатдаги Cisco Академияларининг 147 нафар талабаси бир вақтда сайёранинг турли бурчакларидаги бешта соат минтақасида мураккаб тармоқ вазифаларини бажаришга киришди. Яқинда эса Лондондаги Cisco Networking Academy да бешта тоифада ғолибларнинг номлари эълон қилинди. Марказий ва Шарқий Европа, Россия ва МДХ мамлакатлари бўйича Михаил Суриков энг яхши мутахассис сифатида тан олинди.

Келаси йил январиди Cisco компанияси раҳбариятининг тақлифига биноан Михаил компаниянинг тароққоҳи бўлиб, компаниянинг етакчи мутахассислари ҳамда менежерлари билан учрашади.

Гўзал АҲМАДЛИЕВА,
ЎЗДЖТУ халқаро
журналистика факультети
талабаси

Энг яхши мутахассис

Талаба ҳамюртимиз Cisco — NetRiders 2012 халқаро олимпиадасининг ғолибига айланди.

Cisco Халқаро тармоқ Академияси (Cisco Networking Academy) хар йили жаҳон миқёсида ёш мутахассислар учун онлайн мусобақа ўтказилади. 165 та мамлакатда фаолият юритувчи 10000 дан зиёд Cisco Академияларининг талабалари тармоқли технологиялар соҳасидаги энг яхши мутахассис номи учун курашади. Мусобақада 1997 йилдан буён илк бор ўзбекистонлик талаба, Тошкентдаги UZSCINET Cisco Академиясининг бўлғуси битирувчиси Михаил Суриков мутлоқ ғолиб деб топилди.

2012 йил июлида ёш мутахассислар орасида NetRiders2012 тармоқлари бўйича глобал онлайн мусобақа ўтказилди. 45 та мамлакатдаги Cisco Академияларининг 147 нафар талабаси бир вақтда сайёранинг турли бурчакларидаги бешта соат минтақасида мураккаб тармоқ вазифаларини бажаришга киришди. Яқинда эса Лондондаги Cisco Networking Academy да бешта тоифада ғолибларнинг номлари эълон қилинди. Марказий ва Шарқий Европа, Россия ва МДХ мамлакатлари бўйича Михаил Суриков энг яхши мутахассис сифатида тан олинди.

Келаси йил январиди Cisco компанияси раҳбариятининг тақлифига биноан Михаил компаниянинг тароққоҳи бўлиб, компаниянинг етакчи мутахассислари ҳамда менежерлари билан учрашади.

Ҳилола АБДУРАҲМОНОВА

Реклама



Эл дастурхони тўқин бўлсин

Дехқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланишни тўғри ташкил қила билиш — нафакат муайян бир хонадон тўқинчилигини, балки оила иқтисодиётини яхшилаш, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим омил. Айниқса, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи хонадонлар шахсий ва дала томорқаларидан унумли фойдаланиб, мўл ҳосил етиштирсалар яхшигина даромад ҳам олади, эл дастурхони тўқинчилигига муносиб ҳисса ҳам қўшади.

2012 йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимизда мевасабзавот, полиз, картошка ва узум маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш, ички истеъмол бозорини тўлдирish, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Биргина Фарғона вилояти мисолида олиб кўрсангиз, бу борада қилинган саъй-ҳаракатлар кўла-мидан дилингиз равшан тортиб кетади.

Вилоятда ҳозир 170 та ҚФЙ ҳамда 850 та МФЙлари мавжуд бўлиб, улардаги 743 минг 364 та хонадонда 3 миллион 165 минг нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Одамларнинг томорқа экин майдонлари 40998 гектарни ташкил этади. Бу рақамлар, шубҳасиз, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини узлуksиз қондиришни ва майдонларнинг хар бир қаричидан унумли фойдаланишни тақозо қилади.

Шу нуктаи назардан вилотида аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида вилот ҳамда туманлар ҳокимликлари ҳузурида ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Улар зиммасига шахсий ва дала томорқаларидан самарали фойдаланиш, соҳани ривожлантириш

учун зарур уруғлик ва минерал ўғитлар етказиб бериш, аҳоли хонадонларга амалий ёрдам кўрсатиш вазифалари юкланди. Бу долзарб ишда «Агробанк» ОАТБ вилот бошқармаси филиаллари жамоалари ҳам катта фойдаланишга эришмоқда.

Банк филиаллари томонидан туман марказларида ташкил топган махсус дўконларга зарур иш қуроллари, уруғлик ва қўчатлар хариди учун кредитлар ажратилиб келинмоқда. Ташкил этилган ишчи гуруҳлари томонидан 75 дон «Damas» русумли енгил автомашинасида кўча дўконлар ташкил этилган бўлиб, керакли уруғлик, қўчат ва иш қуролларини аҳоли хонадонларига етказиб берилиши таъминланмоқда. Зарур ҳолларда аҳолига микрокредитлар ҳам берилмоқда. Мазкур гуруҳларнинг таҳлилга кўра, жорий йилда вилотда 13796 гектар томорқа майдонларида сабзавот, 1350 гектар пайкалда полиз, 5369 гектар картошка, ана минглаб гектар унумли ерларда озуқа экинлари етиштирилди ва боғлар яратилди. Ушбу экинларни экиш учун 59,3 тонна сабзавот, 6,1 тонна полиз, 15,6 минг тонна картошка, 1,2 минг тонна озуқа уруғлари талаб этилди. Биргина

мисол: янги мевали боғлар ташкил этиш ва яроқсиз ҳолга келиб қолган боғларни қайта янгилаш мақсадида 2 миллион 81 минг дондан зиёд мева ниҳоллари, 1 миллион 41 минг дондан ортиқ ток қўчатлари ўтказилди.

Ана шу хайрли ишлар учун «Агробанк» ОАТБ вилот бошқармаси мутахассислари 8 миллион 503 миллион сўм маблағ талаб этилишини ҳисоб-китоб қилдилар. Шундан, банк филиаллари томонидан 1 миллион 548 миллион сўми кредит ҳисобидан молиялаштириш режалаштирилди. Бугунги кунга қадар режалаштирилган ана шу маблағ ҳисобига тўла кредитлар ажратилди.

Иш кўзини билган киши ихчамгина томорқадан ҳам оила учун каттагина даромад олиши мумкин. Буни англаган аксарият оилалар томорқасини хусусий бизнес манзилга айлантира олишди. Масалан, Қўва тумани, «Маданият» ҚФЙ, «Шарқ юлдузи» МФЙ да яшовчи фуқаро Ортинбой Муротов банкнинг Қўва филиалидан 1 миллион 500 минг сўм миқдорда кредит олиб, 16 сотихлик томорқасидан 8 миллион сўм даромад қилди. Бунинг учун у қузда томорқасининг ярми саримсоқ пиёз экди. Эрта баҳорда қолган ярмига помидор ва қарам қўчатлари экди. Саримсоқлиёздан бўшаган ер майдонига сабзи, турп ва шолғом уруғлари сепди. Натижада ҳосил ҳам, даромад ҳам кутганидан зиёда бўлди.

Йил бошида вилотнинг хар бир туманида қўшимча 200 тадан хонадонда цитрус мевалари ҳамда сабзавотлар етиштириш учун 2 сотихдан янги иссиқхоналар ташкил этилди. Бугунги кунда вилотда 3000 та хонадон умумий майдони 60 гектар иссиқхоналарга эга. Шундан 1325 та хонадонда 26,5 гектар иссиқхона ташкил этиш учун 1 миллион 882 миллион сўм

миқдорда кредитлар «Агробанк» филиаллари томонидан берилди.

Ана шундай дехқонлардан бири — Ўзбекистон тумани, Нурсух ҚФЙ, Юқори МФЙ да истиқомат қилувчи фуқаро Мўйдинжон Қорабошев банкнинг Яйпан филиалидан 2 миллион сўм миқдорда кредит олиб, 2 сотих майдонда иссиқхона ташкил этди ва унга лимон қўчатлари ўтказди. 3 йилдан сўнг лимонлар тўлиқ ҳосилга кирганда йилига бир тоннадан ортиқ лимон етиштириб, 10 миллион сўмдан ортиқ даромад олиши кўзлаб турибди.

Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Масалан, Қўштепа туманидан «Омад» фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Назиров 9 миллион сўм миқдорда кредит олиб, интенсив бог ташкил этди. Богдод туманида «Сухроб Сулайманов» фермер хўжалиги (раҳбари Сулаймон Умаров) 25 миллион сўмлик кредит эвазига 74 гектар майдонда боғдорчилик билан шуғулланмоқда. Яна бир ибратли жиҳати — ана шу ва бошқа ўнлаб фермер хўжаликларида банкдан олинган кредитлар ҳамда янги ташкил этилган бог-роғлар эвазига уларнинг хар бирини 3 тадан 6 тагача янги иш ўринлари ҳам очилди.

«Агробанк» бизнинг суянган тоғимизга айланди, — дейди Бувайда туманининг «Hoiposhho Qambarhoji» фермер хўжалиги раҳбари Арслонбек Акбаров. — Банк кўмагида фермер хўжаликлари ва томорқаларда янги-янги қўшимча даромад манбалари очилмоқда. Бу эса, шубҳасиз, эл-юрт дастурхони тўқинчилигини, оилалар маъмуриятини таъмин этади. Қисқа қилиб айтсак, «Агробанк» айнаи биз дала меҳнаткашларининг, қишлоқ аҳлининг таянч банки бўлиб қолди.

Абдуғани СОДИҚОВ

Бугунги кунда истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш ва улардан белгиланган муддатларда тўловларни ундириш, таъминотнинг бир меъёрга бўлишини таъминлаш бошқарма олдидаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг 6 ойи довомида вилот истеъмолчиларига жами 49 миллиард 802 миллион сўмлик, шу жумладан аҳолига 41 миллиард 397 миллион сўмлик ва улгуржи истеъмолчиларга 8 миллиард 405 миллион сўмлик табиий газ етказиб берилди.

Бироқ тўловига келганда истеъмолчилардан ундирилган маблағ 33 миллиард 822 миллион сўмни ёки етказиб берилган табиий газ қийматига нисбатан, жумладан аҳоли бўйича 62,1 фоизни ва улгуржи истеъмолчилар бўйича 96,7 фоизни ташкил этди. Шу боис етказиб берилган табиий газ учун тўловлар ундирилишини жадаллаштириш мақсадида вилот бўйича ташкил этилган гуруҳлар томонидан 60150 та хонадон 18 миллиард 818 миллион сўм қарзи учун тармоқдан ажратилди. 27347 та хонадондан эса 7 миллиард 539 миллион сўм тўлов амалга оширилди. Шу-нингдек, фуқаролик судларининг қарздорликларни мажбурий тартибда ундириш юзасидан буйруқлари ва хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлашда суд ижро Де-



Хизмат тўловга боғлиқ

партаментлари билан вилотда жами 13 та гуруҳлар ташкил қилинди.

«Водийгазтаъминот» УК Наманган вилот шаҳар ва тумангаз филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан жорий йил апрель-июнь ойлари давомида истеъмолчиларни етарли даражада табиий газ билан таъминлашда муайян ишлар амалга оширилди. Ҳозирда уларга мақбул даражада хизмат кўрсатиш учун вилот балансида 9040,22 километр, шундан 937,42 километрни юқори босимли, 2041,89 километр ўрта босимли ва 6060,91 километр паст босимли газ қувурлари мавжуд. Улардан 1460,80 километр қисми ер остида ва 7579,43 километр қисми ер устида жойлашган. Шунингдек, 804 та юқори босимли ва 7220 та ўрта босимли газ тақсимлиш пунктлари ишлаб турибди.

Айни пайтда газ хўжалигини 2012-2013 йил куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича 11,1 километр газ қувурларини мукамал таъмирлаш, 14,6 километр газ қувурларини реконструкция қилиш, газ тақсимлаш қурилмаларини мукамал таъмирлаш, қувурларни бўёқлаш, дудбўронлар созилигини текшириш ва ҳоказо ишлар амалга оширилаёттир.

Яқинда бўлиб ўтган Вазирилар Маҳкамасининг мажлисида ҳам иқтисодиёт тармоқлари, уй-йой фонди, ижтимоий соҳа

объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тadbирларининг бутун комплекси ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши таъкидлаб ўтилди. Ушбулардан келиб чиқиб, қиш мавсумида аҳолига бир меъёрга табиий газ етказиб бериш кафолатланмаган улгуржи истеъмолчилар рўйхатлари ишлаб чиқилди ва ҳокимликка тасдиқлаш учун тақдим этилди.

Бундан ташқари, суёқ газ етказиб бериш бўйича 2012-2013 йил куз-қиш мавсуми учун ажратилган 6225 тонна маҳсулот юзасидан дастур ишлаб чиқилиб, унга асосан хар бир маҳалла кесимида ой давомида етказиб бериладиган суёқ газ миқдори аниқланган. Қиш мавсумига қадар дастурга асосан 9700 та суёқ газ балонларини «Ўзтрансгаз» АКдан етказиб келиш ва филиалларга тарқатиш режаси ишлаб чиқилди. Хуллас, мижозларга мавсумнинг хар бир кунини табиий газ узлуksизлигини таъминлаш мақсадида соҳа ходимлари бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Истеъмолчиларимиз эса тўловини унутмасалар бўлгани.

Элмурод АҲМЕДОВ,
Наманган вилоти шаҳар ва тумангаз филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Захира кадрлар

уларни танлаш, тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ўқитиш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш
Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши олдидаги долзарб вазифа

Ўз-ўзини танқид

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги түб ислохотлар жараёни сиёсий партиялар олдига муҳим вазифаларни қўймоқда. Бу эса партиялар ва уларнинг етакчиларидан янада фаол бўлишни талаб этади, албатта. Партия сафларини кенгайтириш, сайловларда муносиб ўринларни эгаллаш, халқ ишончини оқлаш мақсадларига ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун, аввало кўзланган мақсад сари жадал интилиш ва босиб ўтилган йўлга танқидий кўз билан боқиш зарур.

Шу нуктаи назардан сафларидан 7 минг нафардан зиёд партиядошларни бирлаштирган Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Хоразм вилояти Кенгаши аъзолари ҳам Батанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида алоҳида ташаббус ва ҳозиржавоблик кўрсатишга интиломоқдалар. Жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий ўзгаришлар, ислохотлар моҳиятини аҳолига етказиш, фуқароларда дахлдорлик ҳисси ва қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш борасида залворли ишлар амалга оширилаётди. «Адолат» СДПнинг дастурий ҳояларини қўллаб-қувватлаётган, унинг сафига қўшилаётганлар кун сайин кўпайётганлиги эса вилоятда партиянинг нуфузи ортиб бораётганлигидан далолатдир. Партиянинг Янгиариқ, Ҳазо-

расп, Хонқа туманлари ва Урганч шаҳар кенгашлари ишга янгича ёндашиб, аҳоли, электротар манфаати йўлида ташаббускорлик ва фидойилик кўрсатишаётгани вилоят Кенгашининг салмоқли натижаларга эришишида муҳим омил бўлмоқда. — Партияимиз сайловолди дастури мазмун-моҳиятини ўз вақтида оммага етказиш, дастурнинг устувор йўналишларидан аҳолини батафсил хабардор этиш, кишиларни эзгу ишларга сафарбар қилиш фаолиятимизнинг бош мезонига айланган, — дейди биз билан суҳбатда Янгиариқ тумани кенгаши раиси Барногул Сапаева. — Биргина жорий йилнинг ўтган олти ойида аҳолининг кам даромадли қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш, ишсизликни камайтириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг сиёсий онги, жамиятдаги фаоллигини оширишга

хизмат қиладиган ўнлаб тадбир ва учрашувлар ўтказдик. Тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида таъсирчан давра суҳбатлари, қизилқарли семинар тренинглар ташкил қилиниб келинмоқда. Шунингдек, кенгаш қошидаги Жамоатчилик назорати гуруҳига фуқаролардан келиб тушган ҳар бир ариза ва шикоят эътиборсиз қолдирилмасдан, тегишли мутасадди ташкилотларга юборилмоқда, депутатлик гуруҳи ёрдамида ўз вақтида ижобий ҳал этилмоқда.

Бироқ вилоятнинг барча туман кенгашларида ҳам ишлар юқори савияда ташкил этилган, деб бўлмайди. Партия ташкилотлари фаолиятида ҳали-ҳануз ислохотлар талабига мос ишчанлик, изланувчанлик ва ташаббускорлик етишмаяпти. Масалан, партиянинг Хива, Богот, Гурлан, Қўшқўпир туманлари кенгашлари бугунги кун талаби даражасида иш олиб бормаяпти. Биргина Богот туманидаги аҳвол таҳлил қилинадиган бўлса, бу ерда биринчи галда туман кенгаши бошланғич ташкилотлар ишини жонлантиришга етарли эътибор бермаганилиги ойдинлашди. Аъзолик бадали тушуми режаси ҳам ўлда-жўлда. Туманда ҳозиргача бор-йўғи 13 та бошланғич партия ташкилоти тузилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?..

Партия фаолиятини жонлантиришда, унинг халқ орасидаги обрў-нуфузини юксалтиришда депутатларнинг жонқуярлиги, фаоллиги нихоятда муҳим. Негаки, партиядан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар кўмаги-

да фуқароларни қийнаб келаётган масалаларга ечим топса бўлади. Бироқ юқорида номлари келтирилган туман партия ташкилотлари билан маҳаллий Кенгаш депутатлари ўртасидаги алоқа ҳам кўнгилдагидек эмас.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ўзининг дастурий мақсадини, илгари сураётган ҳояларини халққа етказишда вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотлари кўмагига суянади. Бу борада, таъкидлаб ўтганимиздек, вилоятнинг бир қатор туманларида айтишга арзигулик амалий ишлар олиб борилмоқда. Аммо юқорида номлари зикр этилган ҳудудларда аҳвол бутунлай ўзгача. Амалий ишлар қўйилаётган ҳаётий талабларга ҳамоханг эмас. Бу кемтиклар, айниқса, партиялар ўртасидаги соғлом рақобат кучаяётган бир паллада янада яққолроқ сезилиб қолмоқда. Шу сабабли ҳам вилоят партия Кенгаши фаолиятда йўл қўйилган бу каби камчилик ва нуқсонларни тезда ўрганиб чиқиб, келгусида қайта такрорламаслиги юзасидан аниқ чора-тадбирлар режасини белгилаб олиши даркор. Демак, бугунги кунда вилоят партия Кенгашида захира кадрларни танлаш, тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ўқитиш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш — долзарб вазифа бўлиб турибди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти Кенгаши
матбуот хизмати

Назорат

Андижон вилоят Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси ҳудудларда қурилаётган объектлар, бинолар, реконструкцияси ва капитал таъмирлаш ишларини бажарилишида назорат ишларини олиб бориш, бино ва иншоотларнинг лойиҳа талаблари бажарилишида назорат текширувини ўтказиш, меъёрий ҳужжатлар талаблари ҳамда лойиҳа ечимларига монандлиги, қурилишда лаборатория хизмати, сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, қурилиш материаллари ва хомашёларни ишлаб чиқаришда стандарт талаблари ва меъёрий техник шартларга мувофиқлиги устидан доимий назорат ишларини олиб бормоқда.

Қурилишда кўзбўямачилик кетмайди



юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»-ги Қонунга мувофиқ 3 460 600 сўм жарима солинди.

Қурилиш материаллари ва хомашёларни ишлаб чиқаришда эса давлат стандарти талаблари ва меъёрий техник шартларга мувофиқлиги устидан назорат ишлари олиб бориладиган, афсуски, Булоқбоши туманидаги капитал таъмирланаётган 16-умумтаълим мактаби ва Шахрихон туманидаги 2-умумтаълим мактаби қурилиш объектларига Хўжабод туманидаги «Бахт жаҳон анд» ИЧК томонидан 40 000 донга, Қорасув шаҳридаги ДСЭНМ қурилиш объектига таъминотчи «Шанс» МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган 8200 донга ва бошқа гишт ишлаб чиқарувчилардан жами 86 700 донга қабул қилинган керамика гишт маҳсулотлари «Гишт ва сопол тошлар» меъёрининг 4.2.1.3 банди (оҳак ва шўрланиши) талабларига мос келмаганлиги маълум бўлди.

Шу билан бирга инспекция қошидаги қурилиш материаллари синов лабораторияси томонидан ҳам ушбу йилнинг олти ойи мобайнида 129 та ташкилот ва корхоналар билан шартномалар тузилиб, 248 та синов ишлари бажарилди, буюртмачиларнинг суровномаси асосида 48 та объектнинг ҳолати бўйича техник тадқиқотлар ўтказилиб, ҳулосалар берилди. Қувонарлиси, шу йилнинг июнь ойидан бошлаб «Ўзстандарт» агентлигининг буйруғи билан сертификатлаш ва стандартлаштириш бўлими ўз фаолиятини қайта бошлади.

Зухриддин БУРХОНОВ,
Андижон вилоят
Давлат архитектура-қурилиш
назорати инспекцияси бошлиғи
вазифасини бажарувчи,
Давур ЖОЗИЛОВ,
«Adolat» муҳбири

Ўйинчоқлар хавфсизлиги йўлида

Божхона бекати

Юртимизда болалар ўйинчоқлари хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигини янада кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг миллий қадриятларимизга, маданий-ахлоқ қоидаларига амал қилган ҳолда тарбиялаш йўлида кенг қўлмали чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, Парламент томонидан илгари сурилаётган «Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам фикримизга яққол далил бўла олади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, болалар ўйинчоқлари ва ўйинлар мажбурий равишда сертификатлаштириладиган маҳсулотлар рўйхатига киритилган. Демак, давлат чегарасидан ўтказилаётган ҳар қайси турдаги болалар ўйинчоғи белгиланган талабларга жавоб беришини тасдиқловчи ҳужжат — мувофиқлик сертификатига эга бўлиши шарт. Афсуски, болалар ўйинчоқлари борасида олиб борилаётган ислохотларни тўла англамай, амалдаги тартибларга зид равишда уларни

юртимизга ноқонуний равишда олиб киришга уринаётган «тадбиркор»лар ҳам учраб турибди. Давлат божхона қўмитаси ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрида аниқланган йирик қонунбузарлик ҳолатлари доирасида болалар ўйинчоқларининг ҳам ноқонуний айланмасига чек қўйилди. Жумладан, «Registon kelajak savdo» МЧЖ раҳбарияти ўзларига тегишли супермаркетдаги ҳоржда ишлаб чиқарилган 66 тур-

даги 2 миллион донга болалар ўйинчоқларининг божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим қила олишмади. Шаҳардаги дўконлардан яна бирида фуқаро Н.Меликова эса қиймати 5,5 млн. сўмлик 50 турдаги болалар ўйинчоқларига тегишли ҳужжатлар сўралганда, ер чиқиздан нарига ўта олмади.

Андижон вилоятида ҳам болалар ўйинчоқларининг ноқонуний олиб ўтилишига оид ҳолатлар бартараф этилди. Жалақудқ туманининг қўшни давлат билан чегарадош ҳудудда ҳаракатланаётган «BA3-2106» автомашинаси тўхтатилиб текширилганда, унда ушбу туманда истикомат қилувчи А.Рўзиев қиймати 54 млн. сўмдан ортқ товар-моддий бойликлар, жумладан 3 минг донадан ортқ болалар тақинчоқларини ноқонуний равишда олиб киришга урингани фош қилинди.

Вилоятнинг Булоқбоши туманида божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан чегарадош ҳудудда фуқаро А.Рах-

матиллаев томонидан юк ортилаётган «Нексия» автомашинаси амалдаги тартибларга мувофиқ кўздан кечирилганда, ушбу шахс кичик-кичик туркумларда салкам 31 млн. сўмлик товар моддий бойликларни, хусусан 1087 донга болалар ўйинчоқларини божхона назоратидан яширинча олиб киришга уриниб, машинасига ортаётганлиги аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари ва текширув жараёнлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг 20 июлга қадар божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 84 қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 89 млн. сўмдан ортқ салкам 143 минг донга болалар ўйинчоқларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Ҳусен ТАҒРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати инспектори

Тарозидан уриш гуноҳи азим

Мулоҳаза

Кейинги йилларда бозорларимизда авваллари учрамайдиган бир ҳолатга тез-тез дуч келадиган бўлдик. Айрим сотувчилардан маҳсулотининг нархи бошқа сотувчиларникидан анча қимматлигининг сабабини сўрасангиз: — Менинг тарозим тўғри, ҳалол тарозидо тортиб оладиган маҳсулотингизнинг нархи юқори бўлади-да, — деган жавобни эшитасиз.

Динда тарозидан уриб қолиш, бировнинг ҳақиға хиянат қилиш гуноҳи азим саналади. Харидорни алдаб, молнинг айбини яшириб, ҳатто ёлғондан қасам ичадиган сотувчилар қуйидаги ҳадисдан хабардор бўлишса, айни муддао эди: савдода кўп қасам ичманглар. Чунки қасам молни ўтказадиган, лекин баракани кетказида. Ноинсофликни қарангки, деярли барча сотувчи тарозидан уриб қолиш гуноҳ эканлигини билади. Хар ҳолда, оғизда бўлса-да, бу ҳуусда сўз юри-та олади. Тарозига шубҳангиз борлигини билдирсангиз, уларнинг аксарияти «Ҳалолдан берсин, ака. Ахир, топганимни болаларимга едираман-а», дейди қўлини кўксига қўйиб.

Самарқанднинг Сиёб бозорида доимо бир сотувчидан сабази харид қиламан. Яқинда у билан бозорда тош-тарозидан уриб қолиш авжига чиққанлиги ҳақида суҳбатлашиб қолдик. Шунда суҳбатдошим қўшини растада картошка сотаётган икки жувон ва ёши каттароқ аёлга ишора қилиб, деди: — Кўраясизми, онаси икки қизи билан савдо қилмоқда. Ўртада турган келинчақ яқинда фарзанд кўрган эди, чақалоғи ўлик туғилди. Улар тарозидан уришни касб қилиб олишган, савобу уворлини билишмайди. Онасининг касофати беғуноҳ гўдакка урди. Оиласи бошига тушган бу фожиа бу қўли эгри аёллар учун дарс бўлгандир, дерсиз.

Бу ҳақдаги саволимга ҳалиги танишим улар ҳанузгача билганидан қолмасдан, харидорлар ҳақиға хиянат қилиб келишаётганлигини таъкидлади.

Сиёб бозоридаги бошқа камчилик ва тартибсизликлар ҳақида гапирмасдан факат тошу тарози масаласида сўз юришининг ўзи ҳам дилни хира қилади. Сотувчилар истаган, аниқроғи, қўлга тушган шакл ва турдаги тарозидан фойдаланишади. Айниқса, бозорда қўллаш мумкин бўлмаган осма тарози ҳамма ёқни босиб кетган. Авваллари тошу тарози мунтазам тегишли идоралар томонидан текшириб турилган бўлса, ҳозирда бу қуруқ гап бўлиб қолган. Энг ёмони, бозор маъмурияти бундай ҳолатдан беҳабардек кузатувчи бўлиб турибди.

Тарозиларнинг бир хил, рисоладагидек бўлишини таъминлаш маъмурият қўлидан келмас экан, ҳеч бўлмаса ушбу катта бозорнинг 4-5 жойида назорат тарозиси ўрнатилиши уйдальмай олмайдими? Нега авваллари, назорат тарозиси бўларди-ю, ҳозирга келиб олиб ташланди? Бундан ким манфаатдор?

Бир кун Сиёб бозорида харидор аёлнинг бақир-чақир диққатини тортиди. Маълум бўлишича, у 6 кило деб сотиб олган картошкасини бошқа жойда тортиб кўрса, 4,5 кило

чиқибди. Аёл жанжал билан бўлса ҳам ҳақини ундириб олди, лекин алданиб кетаётганлар қанча?

Ана шу муаммо ва унинг ечими ҳақида бозор маъмурияти фикрини билиш мақсадида бир неча марта бозор идорасига кирган эдим. Кейинги ойлар ичида ўн мартадан кўпроқ бориб, бирор бор идора раҳбарини иш жойида учратолмадим. Ўзини савдо ишлари бўйича директор ўринбосари Яшин деб таништирган йигитга тошу тарози муаммоси ҳақида гап очиб, назорат тарозиси қўйилмаганлиги сабабини сўраганимда, у муаммо тез орада ҳал этилишини айтган эди.

Орадан анча вақт ўтиб, ҳеч қандай ижобий ўзгаришни кўрмаганимдан кейин яна идорага равона бўлдим. Бу гал ҳам Яшинни учратиб, ундан бир аниқ жавоб ололмагандан кейин бозордаги солиқ идорасига кирдим. Маълумки, Давлатимиз раҳбарининг «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2010 йил 8 январдаги қарорига мувофиқ солиқ тизимида бозорлар ҳамда савдо комплексларини назорат қилувчи ва катта ваколатларга эга бўлган алоҳида бўлинма ташкил этилди. Ушбу бўлинма раҳбари

мени қизиқтираётган масала бўйича ҳеч нарса қила олмаслигини, бу иш бозор раҳбарияти ваколатида эканлигини ўқитиб, унинг фамилиясини кўрсатмаслигини илтимос қилди. Негалигини сўраганимда, ундан қуйидагича жавоб олдим:

— Бозор директориға ҳеч қим индамайди, эна мени жолашади, аслида эса юз марта айтганим билан гапимнинг таъсири бўлмаяпти.

Юқоридаги аҳволни шаҳардаги барча озиқ-овқат бозорларида кўриш мумкин. Темирийўл ва «Мармар» бозорларида назорат тарозиси умуман йўқ. «Дамарик» бозорида бўлганимда, кириш дарвозаси олдида турган стол тепасида «Назорат тарозиси» деб ёзиб қўйилган бўлса-да, тарозининг ўзи йўқ эди. Столни суратга тушираётганимни кўрган патчаки югуриб бориб ичкаридан тарсиз чиқариб қўйди.

Темирийўл бозоридан балиқ харид қилмоқчи бўлдим. Сотувчи ёш йигит битта балиқни тарозига қўйиб, 4 кило чиққанлигини айтди. Унинг хурмача қилигини кузатиб турганлигини пайкамади шекилли, бир бармоғининг учи билан тарозининг балиқ турган палласини босиб турди. Мен ундан бармоғини олиб, қайта тортишини сўрадим. Дастлаб



у ўзини билмаганликка олиб, 4 килога ҳақ тўлашимни талаб қилди. Аммо қатъийлик билан туриб олганимдан сўнг балиқни қайта тортиди. Унинг ҳақиқий оғирлиги 2 килою 900 грамм қикди. Яъни устомон сотувчи мендан 1100 грамм уриб қолмоқчи экан.

Ушбу воқеа ҳақида телефон орқали вилоят истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятига хабар берганимда, мени бу масала бўйича вилоят солиқ бошқармасининг бозорлар ҳамда савдо комплексларини назорат қилиш бўлинмасига мурожаат қилишимни

маслаҳат беришди. Солиқ идорасидаги навбатчи эса бу иш билан истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти шугулланишини ўқитди... Бир неча кундан сўнг Темирийўл бозорига бориб, омондан ойни бенарвон урадиган ҳалиги балиқфуруш беамал савдо қилиб турганлигининг гувоҳи бўлдим. Ҳа, айтишларича, Самарқанд бозорларидаги балиқ сотувчилар ҳалигача солиққа тортилмаган экан...

Сўнгги саҳифа



Юз нафар диплом эгаси — қўшма корхона ишчиси

«Коллеж — ўқувчи — корхона»

Жомбой туманидаги «Амин инвест» қўшма корхонаси шу тумандаги Енгил саноат касб-хунари коллежи билан тузилган шартномага мувофиқ бу йил яна юз нафар ёш мутахассисни ишга қабул қилди.

Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб, янги иш ўринлари яратилаётгани — бо-

зор рақобати чуқур ҳис этилиб маҳсулот сифати, унинг харидорлигини таъминлаш

чоралари кўрилатганидан далолат беради. Пахта толасидан бежирим кийим-кечаклар ишлаб чиқараётган мазкур корхона халқаро сифат сертификати билан тақдирланганлиги қишлоқда фаолият юритаётган саноат корхонасининг нуфузидан далолат беради. Бу йил 2 минг тонна тола ишлаб, 2 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилган жамоа бу йил янада юрак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда.

— Енгил саноат маҳсулотлари халқаро савдо кўргазмаларида қатнашиб ҳар сафар янги-янги буюртмачилар топишга муваффақ бўлаётиб, — дейди қўшма корхона раҳбари Эмма Кастамирова. — Яқинда Европадаги бир қатор шерикларимиз сафига германиялик харидорлар ҳам қўшилишди. Энди экспорт ҳажми янада ортади.

Табиийки, бозор эҳтиёжи, харидор талаби жомбойлик саноатчиларни корхонани кенгайтириш, уни модернизациялаш билан боғлиқ жараёнларга масъулият билан қарашга ундамоқда. Бу ерда қисқа вақтда 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги технологик янгилас ишлари бажарилиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ йирик лойиҳа амалга оширилгани ана шу масъулият ва изланиш самарасидир.

Хозир «Амин инвест»да 500 киши юқори даромадли иш билан таъминланган. Мафтуна Туронова, Шахноза Мавлонова, Ойхумор Тоҳирова ва Ҳабиба Усмонова сингари коллежнинг кечаги битирувчилари бугун ўз соҳасининг энг яхши мутахассислари сифатида шогирд-мураббий анъанасини давом эттиришмоқда. Ўз навбатида корхона маъмурияти ёшларнинг касбий маҳоратини ошириш билан боғлиқ ҳамма шароитларни муайён этгани, алоҳида машғулот хоналари ва тикув машиналарини коллеж битирувчилари ихтиёрига бериб қўйгани эртанги рақобатда ҳам истиқболни кўзлаб иш юритаётганлигидан далилдир.

Суратда: қўшма корхонанинг ёш, изланувчан мутахассислари

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири

Яқинда Бойсун тумани Омонхона қишлоғидаги шифо масканининг эллик ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли мазкур тиббий муассасанинг дастлабки босқичини қуриб, ишга тушириш жараёнида янги замонавий бино, тўрт юз ўринли иккита ошхона, сув-тозалаш ва сақлаш иншооти бунёд этилди.

Янги темир йўлнинг ишга туширилиши тоғли Омонхона қишлоғидаги шифобахш сувдан янада самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтирди ва бу ерда даволанувчилар учун қулайликлар яратди.

Омонхона маъданли булоқ

суви таркиби инсон саломатлиги учун фойдали бўлган сульфат, магний, азот ионларига бой. Айни пайда бу масканга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюраётган беморлар гепатит, гастрит, қандли диабет каби касалликларга шифо топмоқда.



ФОТОГРАФИЯСЎЛОВА (ЎЗА) ОЛДИН ОҒА

“Хитой тили кўприги”

Ҳар йили дунё бўйлаб хитой тилини ўрганаётган талабалар орасида “Хитой тили кўприги” халқаро танлови ўтказилади. Биринчи “Хитой тили кўприги” танлови 2002 йил 19-29 июль кунлари Халқаро Конфуций Институтининг молиявий қўллаб-қувватлаши билан жануби-ғарбий Хитойнинг Чунцин шаҳрида 25 мамлакат вакиллари иштирокида ўтказилган эди.

Албатта, танловда иштирок этиш талабаларга юксак масъулият юқлайди. Улар нафақат ўзлари таълим олаётган олий ўқув юрти, ўқитувчилари, балки ўз мамлакатлари шарафини ҳам

ҳимоя этадилар. Сўнгги ўн йил давомида жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатда ўтказилган танловда 150 мингдан ортиқ талаба қатнашди. Уларнинг 900 нафардан ортиғи

Хитойда бўлиб ўтган ярим финал ва финал босқичида иштирок этишди. Ҳалиқларга “Хитой тили элчиси” унвони берилиб, Чиндаги университетлардан бирида таълимни давом эттириш ёки мамлакат бўйлаб саёҳат қилиш учун грант ажратилади. Бу йил мазкур танлов ўн биринчи мартаба ўтказилмоқда. Айни дамда жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида июль-август ойларида Чанша шаҳрида ўтказилиши кўтилаётган танловнинг финалига боришни мақсад қилган талабалар орасида саралаш босқичлари ўтказилмоқда. Олдинроқ пойтахтимиздаги Байналмилал мада-

нийат маркази саройида Ўзбекистондаги олий ўқув юртиларида хитой тили бўйича таълим олаётган талабалар ўртасида саралаш мусобақалари ўтказилган бўлиб, унда мамлакатимиздаги турли олий таълим даргоҳларининг 19 нафар талабаси иштирок этган. Уч қисмдан иборат танловда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидаги ўқувчи босқич талабаси Жамила Умарова ғолиб деб топилган. Энди у Хитойда ўтказиладиган жаҳон танловиде иштирок этади.

Моҳирабону АБДУРАҲМОҶОВА

Кўнгил нидоси

Шеър — кўнгил нидоси, шеър — қалб изтироблари меваси. Ҳар бир инсон ўзича шоир. Фақат ҳамма ўз кечинмаларини қоғозга туширавермайди. Бунинг учун интилиш, кузатувчанлик, қатъият ва яна нимадир, энг муҳими — иқтидор зарур. Сулаймон Хайдар ўзини тўқинланган, тинчлини ўғирлаган туйғуларини рубоийларга солиб тўплам қилибди, муборак бўлсин.

Шоир бир фардида «Илҳом келса занжир мисол сўзларим, сўзларим дур, толиқмас ҳеч кўзларим», дея кўнгил дардини изҳор қилади. Чиндан ҳам мисралар кўнгилнинг туб-тубидан сизилиб чиққанда ижодкорнинг изтироблари, кўйинчақлиги, қалбидан кечган ўйлар, хуллас, дил рози ўзгаларнинг ҳам дилига кўчади, у билан танишган китобхон ўзи учун фойдали ниманидир тудди.

Албатта, минг йиллар қаъридан наъра тортиб келаётган улуг Умар Хайём йўлида тўртликлар би-



СУЛАЙМОН ХАЙДАР

тиш ҳар қандай ижодкорга ҳам катта масъулият юқлайди. Бу ўринда шунчаки тақдирчига, насихатгўйга айланиб қолиш ҳеч гап эмас. Сулаймон Хайдар Касбийнинг улуг шоир анъаналарига содиқ қолиб, ҳавас қилиб ёзилган ақсар рубоийлари ҳаётини заминининг мустақамлиги билан эътиборни тортади.

Тун бедор айлади туздим битта боб, Кимгадир хушраво, ким учун нобоб. Яхши-ёмонига баҳо айтгучи, Фикри башар менга сабоқдон китоб, — дейди шоир камтарона. Дарҳақиқат, шеърга ҳақиқий баҳони шеърхон беради.

Умид қиламизки, Сулаймон Хайдарнинг битиклари, албатта, ўз ўқувчиларини топади.

Дониёр БЕГИМҚУЛОВ

Сўранг, жавоб берамиз

Савол: 2012 йил 16 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонга мувофиқ тадбиркорларга қандай қулайликлар яратилади?

Б.Ражабов
Сурхондарё вилояти Ўзун тумани

«Қимматбаҳо металллар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолияти» билан шуғулланиш учун ҳозиргача 386 нафар тадбиркор энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғимлар тўлаб лицензия олишган.

Ушбу лицензияларни олиш учун юқоридеги тўловдан ташқари 10 тадан ортиқ турли ҳужжатларни, ариза ҳамда тегишли ҳужжатларни тақдим этгандан кейин ҳам 30-40 кун давомида белгиланган тартибда кўриб чиқишини кутишга мажбур бўлган.

Шунингдек, лицензияловчи орган томонидан лицензия тўлаб ва шартларига риоя этиш юзасидан доимий равишда текширишлар ўтказиб келинар эди. Ва энг асосийси, Лицензияловчи органнинг Ишчи органи — Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги бўлгани учун ариза ушбу органга, яъни Тошкент шаҳрига келиб тақдим этилар эди.

Худди шундай, ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолияти билан шуғулланиш фаолияти лицензияланар эди ва ушбу фаолият учун 462 нафар тадбиркор энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида йиғим тўлаб лицензия олган. Ушбу лицензияни олиш учун ҳам 9-10 та турли ҳужжат ва маълумотларни тақдим этилган. 15 кун давомида аризалари кўриб чиқилган, ундан кейин лицензия битими талабгорга имзолаш учун юборилган, уч ой ичида имзоланиб тегишли тўловлар амалга оширилгандан кейин лицензия расмийлаштирилган.

Мана, юқоридеги Фармонга асосан лицензияланиши бекор қилинган ушбу 2 та фаолият тури бўйича тадбиркорларга қанчалик қулайлик берилганлигини, уларнинг қанча вақт ва маблага иқтисод қилинганлиги ва энг асосийси, ҳеч қандай ортиқча оврагарчиликсиз мазкур фаолиятларни амалга ошириш учун зарур шароит яратилганини кўриш мумкин.

Худди шундай, ярмаркаларда озиқ-овқат (қишлоқ ҳўжалиги) маҳсулотини сотиш учун унинг сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи ҳулоса, гўшт ва гўшт маҳсулотларини ташиш учун автотранспорт воситаларига паспорт бериш каби 80 та рухсатнома характеридаги ҳужжатларнинг бекор қилингани ҳам тадбиркорларимизни юқоридеги ортиқча оврагарчиликлардан батамом халос этади.

Савол: Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш юзасидан Адлия органларига қандай вазифалар юклатилган?

Б.Тошов
Сирдарё вилояти, Гулистон тумани

Аваломбор, фармон билан, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меъёрларига оғишмай риоя этилиши учун ушбу лицензия ҳамда рухсатнома характеридаги ҳужжатлар беришга ваколатли бўлган органлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги белгиланди.

Шунингдек, Адлия вазирлиги ҳамда Бош прокуратурага ҳисоботларни тақдим этиш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларига доир қонун ҳужжатларига давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг сўзсиз риоя этишлари устидан мунтазам назоратни ўрнатиш вазифаси юклатилди.

Шундан келиб чиқиб, ҳозирда мазкур назоратни таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан Бош прокуратура билан қўшма тадбирлар режалари тайёрланмоқда. Унда бу соҳада белгиланган тартиб-таомилларга қатъий риоя этилиши устидан доимий назорат ўрнатиш ҳамда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарликка тортилишини таъминлаш чоралари белгиланмоқда.

Ҳулоса қилиб айтиладиган бўлсак, ушбу қабул қилинган қонун ҳужжатининг тўлақонли ижросини таъминлаш тадбиркорларимиз учун янги имконият ва шарт-шароитларни яратиб, ортиқча бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этишга хизмат қилади.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими Зоҳид СОБИРОВ жавоб берди

Савол: Яқинда вафот этган амаким менга ҳовли-жойини мерос қилиб қолдирди. Амакимнинг ер солигидан қатта қарзи бор экан. Айтинг-чи, солиқ тўловчи вафот этса, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш унинг меросхўри зиммасига юклатилдими? Агар мерос қиймати солиқ мажбурияти суммасидан кам бўлса, тўловлар қай тартибда амалга оширилади?

Л.Раҳимжонов
Тошкент вилояти, Янгийўл тумани

Амалдаги Солиқ кодексига асосан, вафот этган шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларини тўлаш мажбурияти унинг мерос қилинган мол-мулкни қабул қилган меросхўрлари томонидан амалга оширилади. Бу мерос қилинган мол-мулкнинг қиймати доирасида ва меросдаги улushга мутаносиб равишда, мерос қилиб олинган қундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан бажарилади. Вафот этган шахс тўлаши лозим бўлган пеня ёки жаримларини тўлаш мажбурияти меросхўрларга нисбатан таътиб этилмайди.

Вафот этган шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти суммаси мерос қилинган мол-мулк қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, қарзнинг қолган суммаси умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Янгийўл тумани ДНИ нотариуси
Қумри ТАШТАНОВА жавоб берди

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:
Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда халқаро ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;
Қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс);
Котибнат — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Абдуқайом ЙЎЛДОШЕВ.
Навбатчи — Феруз ЖҲАЕВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
ГАЗЕТА

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Исмомил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА,
Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир
ХҲҲАМБЕРДИЕВ, Қолир ЖҲАЕВ, Собир ТУРСУНОВ,
Муҳаммад АЛИ, Муҳаррамон АЗИМОВА, Раъшан
ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МҲМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан
чиқиб босилган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри
Буёқ Тўроқ кўчаси, 41-й. Буюртма Г — 800. Ҳақми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 6462.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 00.00.
1 2 4 5

ТАҲРИРИЯТ МАМЛАКАТИ: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-й.
adolat_gazeta@mail.ru

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2013-5217

9 772013 521007

Ўқинг, бу қизиқ

Пластик пакетлар тақиқланди

Италияда пластик пакетлардан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Мамлакат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги Стефания Престижикомонинг сўзларига кўра, энди Италияда супермаркет ва дўконларда пластик пакетлар ўрнига матодан тайёрланган ёки қоғоз пакетлар сотилади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, пластик пакетлар инсон саломатлиги ҳамда экотизимга катта зарар етказмоқда.

Тошхўр аёл

АҚШнинг Виржиния штатида истикомат қилувчи Тереза Виденер кўпнича овқат ўрнига тош тановул қилади. Бу ҳақда «Daily Mail» газетаси хабар тарқатди.



45 ёшли бу аёлнинг сўзларига кўра, тош унинг кайфиятини кўтаради. Маълумотларга қараганда, Тереза бир ҳафтада икки килограмм тош истеъмол қилар экан. У ўзини зарур ушбу «егулик»ни денгиз соҳилидан териб олади, сўнгра майда бўлақларга бўлиб, майда чайнаб ёйди.

Шифокорлар бу аёлнинг организмидеги темир моддаси етишмаслиги уни тош ейишга ундашини таъкидлашмоқда.

Етмиш ёшли чавандоз

Япониялик Хиреси Хокэцу етмишнн уриб қўйган бўлса-да, Олимпиада ўйинларида иштирок этмоқда.



От спорти бўйича мусобақаларда ғолибликка даъвогарлардан бири сифатида эътироф этилаётган Хиреси Хокэцу ҳали анча бақувват. Маълумотларга қараганда, бу спортчи Олимпиада ўйинларида илк мартабада 1964 йилда, Токиода ўтказилган беллашуларда иштирок этган. Япониялик чавандоз ўшанда йигирма уч ёшда бўлган.

Саҳро тубидаги сув

Намибияда немис олимлари томонидан тўрт юз йилга етатидиган ер ости ичимлик суви манбаи топилди.



Хабарларга қараганда, чуқурлиги икки юз метрга тенг ушбу манбада беш миллиард куб метр сув мавжудлиги аниқланган. Лойиҳа раҳбари Мартин Куингернинг сўзларига кўра, мазкур топилма жойлашган майдон 2600 квадрат километрга тенг. Олимларнинг айтишича, ушбу сув манбаи майдонининг катта қисми чўлдан иборат бўлган ва қуруқчиликдан азият чекиб келаётган мамлакатда иқтисодиётни ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.